

З.К. ИСМАИЛОВА,
Р.С. МУСАЕВ

ТАЪЛИМНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

З. К. ИСМАИЛОВА, Р. С. МУСАЕВ

**ТАЪЛИМНИНГ ТЕХНИК
ВОСИТАЛАРИ**

Ўқув қўлланма

Тошкент — 2008

Ўқув қўлланма институтнинг 2007 йил 7 июльдаги
илмий кенгашни томонидан чоп этишига тавсия этилган
(баённома № 9)

УДК 371 (001.85)

Тақризчилар: *П. Т. Магзумов, ТАЙИ „Педагогика,
психология“ кафедраси профессори, п.ф.д.*
*А. А. Шоюсупова, ТИМИ „Педагогика,
психология ва ўқитиш методикаси“
кафедраси доценти*

Мазкур қўлланмада таълимнинг дидактик ва техник
воситаларини қўллашнинг илмий-назарий асослари, ўқитиш
нинг статик ва динамик техник воситалари, замонавий
компьютерли аудио-видео комплексларни ўқиш жараёнида
қўллаш масалалари ҳақида батафсил маълумот берилади.

Ўқув қўлланма 5140900 — „Касб таълими“ соҳа
йўналишлари бўйича таълим олаётган бакалаврлар учун
мўлжалланган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг „Узлуксиз таълим тизими ва турлари“ бўлимида икки босқичли олий таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш учун амалга ошириш зарур бўлган тадбирлар, „...Янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиши ва ўзлаштириш“ ҳақида сўз юритилган.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш ўқитишни такомиллантириш, яъни янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг татбиқ қилиш, компьютерли автоматлаштирилган ўқитиш тизимини таълимда қўллаш, янги техникавий ва дидактик воситалар ҳамда мультимедиа имкониятларидан фойдаланиш, дистанцион таълимни жорий қилиш орқали бажарилади.

Ўқитишга технологик ёндашиш ўтган асрнинг 50 йилларида американлик педагог олимлар томонидан олиб борилган. „Таълим технологияси“ ибораси ҳам биринчи марта американлик олим Б.Скинер томонидан ишлатилган. Лекин ўқитиш технологияси ўзининг ривожланиш тарихига эга бўлиб, унинг шакллари ҳар доим ахборот воситалари манбайига боғлиқ ҳолда такомилланиб келган.

Ёзув ихтиро қилинишидан аввалги даврда ҳамма тўплангандар ахборотлар оғзаки шаклда сақланган. Одам

бир вақтнинг ўзида ҳам билимлар яратувчиси, ҳам сақловчиси, ҳам узатувчиси бўлган.

Ёзув ихтиро қилинини фикр ривожланишида бурилиш даври бўлди. Ёзув фикрни текшириб, объектив, мустаҳкам бўлишига ва уни сақлашга имкон берди. Ахборотни сақлаш манбаининг пайдо бўлиши билимларни узатиш жараёнини осонлаштиргди.

Китобларнинг чоп қилинини эса ақлий меҳнат доирасида инқилоб ясади ва зиёлилар синфининг пайдо бўлишига олиб келди. Улар, ўз навбатида, давлат таълим тизимини ҳамда ўқитиш жараёнида „синфдарс“ тизимини шакллантиришга асос яратдилар.

Синф-дарс доирасида ўқитиш жараёнининг технологияси шаклланди ва ривожланди. Ушбу технология китоб билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборат эди. Булар тез ўқиши кўникмаси, ўқитиш турлари, конспектлаш, хотирада сақлаб қолиш йўллари, адабиётларни қидиришни уюштириш кўникмаси, маълумотлар билан ишлашдир.

Мугахассислар ўқитиш технологияси тушунчаси ва унинг ривожланишини уч босқичга бўлиб ўрганиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Биринчи босқич — ўқитиш жараёнини фақат ўқитувчининг ўзи олиб борар эди. Н. Ф. Талызина таъкидлаганидек, инсон тажрибаси ўқитиш технологияси функциясини бажарган.

Иккинчи босқич — дарслик ва қўлланмалар чоп этила бошлагандан сўнг ўқитиш технологияси мазмунида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўқитувчига ёрдам берувчи турли дидактик материаллар вужудга келди.

Учинчи босқич — ўқитиш технологияси мазмунан янада бойиди. Ўқитувчи ва талабалар учун юқо-

ридагилар қаторига аудио-видео техник воситалари, ўргатувчи машиналар ҳам құшилди.

Ўтган асрнинг 60 йилларида таълим техник воситаларининг ривожланиши ахборот сигими ва ахборот ўтказиш тармоқларини көнгайтирди.

Ахборот сақлашнинг янги усуллари — магнит, рамкали оптик ёзувлар ва улар асосида яратилған магнит дисклари, дискеталар, компакт дисклар, CD-ROM кабиларининг пайдо бўлиши ахборот сақлашнинг компьютерлаштирилган тизими, лазерли алоқа тармоги, микроэлектрон қурилмалар ва бошқа ахборот воситаларидан ўқув жараёнида фойдаланишга йўл очди. Натижада ўқитиш такомиллашди, „Компьютер технологияси“ ва „Янги ахборот технологияси“ каби тушунчалар вужудга келди. Бу технологиялар педагогик технологияни амалга оширишда замонавий техник восита сифатида қўлдана бошланди.

ТАЪЛИМНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ (ТТВ) ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Асрлар давомида одамзоднинг маданий тараққиёти техник ихтиrolар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ричаг, гилдирак, блок, полистпастлар ибтидоий одамларга оғир юкларни кўтариш ва ташшишга имкон берди. Бу, ўз навбатида, қўл хунармандчилигига йўл очди. Кўл хунармандчилиги асосида дехқончилик, қурувчилик, денгизда сузиш касблари ривожланди.

Амалий кўнималарнинг тўпланиб бориши се-кин-аста назарий билимларга йўл очиб берди. Лекин қўл кучига асосланган турмуш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш чегараланганди эди. Ҳунарманд устарнинг касб маҳорати индивидуал бўлиб, кенг оммага ёйилган.

Улар касб сирларини ўrnак сифатида шахсий меҳнатлари орқали шогирдларига ўргатгандар. Тараққиёт, ижтимоий ва маданий ривожланиши суст бўлган.

XVI асрга келиб ихтиро қилинган механик қурилмалар мускул кучини чегаралай бошлади. XVIII асрдаги илмий изланишлар ишлаб чиқариш соҳасидаги революцияга туртки берди. Пар машинасининг ихтиро қилиниши натижасида ҳамма мускул кучи билан ишлайдиган дастгоҳлар пар машинаси ёрдамида ҳаракатланадиган дастгоҳларга алмаштирилди. Ихтирочилик, билимга бўлган чанқоқлик ушбу даврда авж олди.

Илмдаги ва ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларга қарамай, келажак авлодни ўқитиш усуллари унчалик ўзгармади. Асрлар давомида китоб илм олишида асосий ёрдамчи бўлиб қолаверди. Албатта, ўқитувчилар чёт,

доска, глобус кабилардан авваллари ҳам фойдаланганлар. Лекин синф хоналарини ҳақиқий механизациялаш XX асрнинг иккинчи ярмидан амалга оша бошлиди.

Бу даврда электрон техника, ҳисоблаш техникаси, ядро энергетикаси, космос, кибернетика соҳасида катта қашфиётлар қилинди, улар асосида янги техника ва технологиялар яратилди, автоматлаширилган заводлар барпо қилинди.

Фан ва техника соҳасидағи бу улкан ўзгаришлар шу соҳада ишловчи кадрлар сонининг, чоп қилинаётган мақолалар сонининг ва иқтисодий харажатларнинг экспоненциал ўсишига олиб келди.

Хозирги пайтда биз янги турдаги жамият қуриш қатнашчилари бўлмоқдамиз. Бу жамиятни индустрιал жамиятдан кейинги жамият — „посиндустрιал жамият“, „технотрон жамият“, „информацион жамият“ деб номламоқдалар. Буларнинг ичida „Информацион жамият“ эътиборга мойилдир. Чунки у информациянинг ижобий хоссаларига диққатни жалб қиласи.

Биринчидан, информация битмас-туганмас бўлиб, осон ва тез нусхаланади, тежамли, экологик тоза, сақлаш вақтига боғлиқ эмас.

Иккинчидан, информация оқими жамият тарихида сакраш каби зудлик билан ортиб боради. Айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб информация ҳажми экспонент шаклида ўсиб бормоқда. Эрамизнинг бошланишидан информация ҳажмининг биринчи маротаба икки баробар ўсиши 1750 йилда содир бўлган. Иккинчиси XX асрнинг бошланишида, учинчиси 1950 йилда бўлган. Шу палладан бошлаб информациянинг, яъни одамзоднинг билимлари ҳажмининг икки баробар ўсиши ҳар 10 йилда, 1970 йилдан бошлаб ҳар 5 йилда, 1991 йилдан бошлаб ҳар

йили содир бўлмоқда. Натижада XXI асрнинг бошларига келиб интеллектуал ресурслар 250 мингдан зиёд ўси. Жамият тарихида бундай мисли қўрилмаган ҳодисани белгиловчи „информацион портлаш“ термини пайдо бўлди.

XX асрнинг охирида яна бир муҳим ҳодиса юз берди. У ер юзида аҳоли сонининг экспонент шаклида ўсиши билан бөглиқдир. Янги асрнинг бошларида ер куррасида атиги 300 млн аҳоли яшаган. Аҳоли сони 1830 йилдан сўнг 1 миллиардга етган. Кейинги миллиардлар борган сари қисқа муддатларда қўшила борган. Масалан, иккинчи миллиард 100 йилдан сўнг, учинчи миллиард 30 йилдан сўнг, тўртинчи миллиард 20 йилдан сўнг, бешинчи миллиард 7 йилдан сўнг қўшилган. Ўтган XX аср охирида ер куррасидаги одамларнинг сони 6 миллиардан ошиди. Аҳоли сонининг бундай ўсиши „Демографик портлаш“ деб аталади.

Аҳоли сонининг ўсиб бориши билан бир қаторда у борган сари „ёшариб“ ҳам борди. Ўқувчилар сонининг узлуксиз ўсиши ва уларнинг замонавий таълим олишлари учун зарур бўлган илм миқдори, яни информация миқдорининг кўпайиб бориши маориф соҳасида қийин муаммоларни вужудга келтирди. Маълумки, ўқув режаларини ва ўқитиш соатларини чексиз ошириш мумкин эмас. Шу сабабли ўқитиш жараёнининг ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши, яни уни жадаллантириши, оптималлаштириш зарурияти туғилди.

Ўқитиш жараёнини жадаллантириш ва оптималлаштириш деганда ўқувчи ва педагогнинг меҳнат самарадорлигини оширувчи, вақт бирлиги ичida ўқув информацияси миқдорини ўқувчиларга етказишни кўпайтирувчи ва уни яхши ўзлаштиришга имкон берувчи тадбирлар назарда тутилади.

Педагогик технологияда ўқитиши жараёнини жадаллаштириш ва оптималлаштириш тадбирларидан бири ўқув мазмунини баён қилипца күргазмалилик тамойилини татбиқ қилиши, замонавий компьютерли аудио-видео, мультимедиа имкониятларидан кенг фойдаланишидир.

Савол ва топшириқлар

1. Ўқитиши технологияси тушунчаси ривожланишининг уч бос қичини таърифланг.
2. Информацион жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. „Информацион портланд“ ва „Демографик портланд“ атами ларини шарҳланг.
4. Ўқитиши жараёнини оптималлаштириш, жадаллаштириш зарурияти хақида гапириб беринг.
5. Ўқитиши жараёнида күргазмалиликнинг аҳамиятини айтинг.

ҮҚИТИШ ҚУРОЛЛАРИНИНГ СИНФЛАНИШИ

Таълим жараёнида иштирок этувчи үқитиш қуролларини таълим воситалари, таълимнинг техник воситалари, ёрдамчи қурилмалар ташкил этади (1-жадвал).

I- жадвал

Ўқитиш қуролларининг синфланиши



Таълим воситалари

Таълим воситалари турлича бўлиб, уларни қўйидаги групкаларга бўлиш мумкин (2- жадвал):

- ҳажмли табиий обьектлар (ҳақиқий тог жинслари, қазилма бойлик намуналари, ўсимликлар, машиналар, машина деталлари, материаллар);
- обьектларнинг тасвири (маълумки, ҳамма табиий обьектларни аудиторияда намойиш қилиб бўлмайди. Масалан, самолёт, тепловоз, катта ҳажм-

даги дастгоҳлар, инишотлар. Ўқитиш жараёнида уларнинг макетлари, моделлари, расмлари намойиш қилинади. Технологик жараёнлар, инишотлар, машиналарнинг тузилиши ва ишлаши диафильмлар, кинофильмлар, видеофильмлар орқали тушунтирилади. Турли товушлар, масалан, созланган двигател ёки созланмаган двигателдан чиқадиган товушлар магнитофонга ёзиб олиниб, уларнинг фарқи тингловчиларга эшиттирилади. Шундай эшиттиришлар бир неча марта такрорлангандан сўнг улар товушга қараб двигателларнинг қаери ишдан чиққанини айтиб бера олишлари мумкин);

— босма визуал воситалари (чоп этилган дарсликлар, маълумотномалар, лугатлар, методик кўрсатма ва методик қўлланмалар).

2- жадвал

Таълим воситаларининг синфланиши



Таълимнинг информацион техник воситалари

Таълимнинг техник воситалари таълим воситалари мазмунини ўқувчиларга етказиб берувчи ўқитиш куролидир.

Бу техник воситалар таълим воситалари билан биргаликда ишлатилади. Агар таълим воситалари бўлмаса, кўп сонли таълим техник воситаларидан ҳеч қандай наф бўлмайди, аксинча, таълим техник воситаларисиз улар учун мўлжалланган таълим воситаларини ҳам ишлатиб бўлмайди.

Таълимнинг информацион техник воситалари – ўқув информацияси бўйича ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши керак бўлган маълумотларни етказиб берувчи техник воситалардир. Информацион техник воситаларга турли электро-механик асбоблар, ўлчов асбоблари, турли хил намойиш стендлари, шунингдек, магнитофонлар, диапроекторлар, графопроекторлар, видеопроекторлар, телевизор ва видеомагнитофон аппаратларини киритиш мумкин.

Информацион техник воситалар информацияни лўнда, тушунарли, ортиқча иккинчи даражали информацияларсиз ўқувчиларга етказиб бериши ҳамда кўриш майдонининг етарлилигини, тасвирнинг аниқ ва равшан кўринишини таъминлаши зарур.

Информацион техник воситаларнинг асосий вазифаси, мақсади – ўқув материаллари мазмунини ўқувчиларга тушунарли қилиб етказиш. Маълумки, ўқув информацияси, асосан, оғзаки ва кўрсатиш орқали узатилади. Шу боис информацион техник воситалар овоз берувчи (аудио), тасвир берувчи (видео) ва ҳам тасвир, ҳам овоз берувчи (аудиовидео) воситаларга бўлинади.

Овоз берувчи аудио техник воситалари, асосан, тил ўрганишда кенг қўлланади. Улар жумласига овоз берувчи ва овоз эшиттирувчи аппаратлар – электропроигривател, радио, магнитофонлар киради. Овоз граммпластинкага, магнитофон плёнкасига, киноп

лёнкага ёзиб олинади. Овоз эшиттириш электромеханик, магнит, фотооптик усулда маҳсус аппаратлар ёрдамида амалга оширилади.

Тасвирий информация берувчи видео техник воситалари ўқув материалларини чуқурроқ ўрганишга, кўпроқ маълумот беринга ва идрок қилиш вақтини қисқартиришга ёрдам беради. Тасвир берувчи техник воситалар, ўз навбатида, статик (қўзгалмас) ва динамик (ҳаракатланувчи) воситаларга бўлинади. Улар жумласига диапроекторлар, графопроекторлар, ўқув телевиденияси кабилар киради.

Видеомагнитофонлар ва магнитофон билан биргалиқда ишлайдиган статик тасвир берувчи техник воси- талар аудио-видео техник воситаларини ташкил қиласди. (3- жадвал).

3- жадвал

Таълим техник воситаларининг синфланиши



Савол ва топшириқлар

1. Ўқитиш қуроллари қандай синфланади?
2. Таълим воситалари қандай синфланади?
3. Таълим информацион техник воситаларининг таркибий қисмини изоҳланг.
4. Информацион техник воситаларнинг асосий вазифаси ва мақсади нималардан иборат?

ИНФОРМАЦИОН АУДИОВИЗУАЛ ТИЗИМЛАР

Ушбу мавзу экранга тасвир тушириш статик ва динамик техник воситаларининг, овоз берувчи воситаларнинг ўқув жараёнидаги ролини, экранга нур ёрдамида тасвир тушириш усулларини ҳамда статик ва динамик проекциялаш воситаларининг дидактик имкониятларини ўрганишга мўлжалланган.

Статик проекциялаш техник воситалари деб нур ёрдамида экранга қўзгалмас тасвир туширувчи инфомрация воситалари ва аппаратлари мажмуасига айтилади. Статик проекция техник воситалари ўқитиш жараёнида энг кўп қўлланадиган ва энг қулай техник воситалардан ҳисобланади. Улар ёрдамида ўқитувчи тасвирни тушунтириш учун экранда керакли вақт мобайнида ушлаб туриши мумкин.

Динамик проекциянинг ўқитиш жараёнидаги энг муҳим дидактик роли тасвирларнинг ҳаракатланишидир. Динамик проекция объект ва ҳодисаларнинг ривожланиш ва ўзгариш жараёнини ҳаракатда кузатишга имкон беради.

Статик проекция асослари


Проекциялаш ҳаракатсиз ёки ҳаракатдаги тасвирни нур ёрдамида экранда мавжуд қилишидир. Экранда ҳаракатсиз тасвирни ҳосил қилиш **статик проекция**, ҳаракатли тасвир ҳосил қилиш эса **динамик проекция** дейилади. Амалда статик ва динамик проекция ўқитиш жараёнида асосий қўлланма вазифасини бажаради.

Ёргулик манбаи ва оптик тизим ёрдамида бирор объектнинг тасвирини экранда ҳосил қилиш **ёргулик проекцияси** деб аталади. Таълимнинг статик воситалари гирига диафильмлар, кодопособиялар (транспорантлар) киради. Статик проекциянинг техник воситалари нур ёрдамида таълим статик воситалари тасвирини экранга туширишга хизмат қиласди.


Экранга нур ёрдамида статик тасвир туширишнинг икки тури мавжуд. Улар диапроекция ва эпипроекциялардир.

Диапроекцияда тасвир нур оқимининг шаффофф объекти (плёнка, ойна)даги расмдан ўтиб экранга катталашиб тушишидан ҳосил бўлади. Диапроекцияда проекцион лампа 2 нинг (1- расм) нур оқими ҳамда қайтаргич 1 дан қисман қайтгач, нур оқими конденсор 3 орқали тўпланиб, кадрлар дарчаси 4га йўналтирилади. Нур оқими кадрлар дарчасига жойлашган шаффофф объектдаги тасвирдан ўтиб объектив 5 та туширади. Тасвир экранга объектив орқали катталаштирилиб туширилади.

Диапроекцияга асосланган қурилмалр диапроектор деб аталади.



1- расм. Диапроекция.




2- расм. Кодопроекция.

Диапроекциянинг алоҳида туркумларидан бири кодопроекция ҳисобланади. Кодопроекцияда (2- расм) лампа 2 ҳамда рефлектордан қайтган нур оқимлари конденсор 3 орқали йигилиб фильм дарчаси 8 да жойлашган шаффофф плёнкадаги тасвирга вертикал ўналтирилади.

Нур оқими шаффофф плёнкадан ўтиб, объектив 5 га, сўнгра кўзгу 7 га тушади. Кузгу нур йўлини ўзгартириб, уни экранга йўналтиради.

Кодопроекцияга асосланган қурилмалар **кодоскоп** ва **графопроектор** деб аталади.

Эпипроекцияда тасвир нур оқимининг хира, нур ўтказмайдиган объект (қоғоз, журнал, фотоқоғозлар)даги расмдан қайтиб экранга тушишидан ҳосил бўлади. Эпипроекцияда (3-расм) проекцион лампа 2 ҳамда қисман рефлектордан қайтган нур оқимлари конденсор 3 ёрдамида йигилиб хира объект 10 даги тасвирдан қайтган нур оқимининг



3- расм. Эпипроекция.

1—рефлектор (нур қайтаргич); 2—лампа; 3—конденсор;
4—кадрлар дарчаси; 5—объектив; 6—экран; 7—кузгу;
8—панел; 9—шаффофф плёнкадаги тасвир; 10—қоғоздагы,
фотоқоғоздагы тасвир.

бир қисми күзгу 7 ёрдамида ўз йұналишини ўзгартириб, объектив 5 орқали экранга тушади.

Статик проекция элементларининг вазифалари

Рефлектор — күзгули нур қайтаргич. У проекцион лампанинг орқа томонига жойлаштирилган. Рефлектор нурни фильм дарчаси томон йұналтириб, нур оқимини кучайтиради. Рефлекторларнинг шакли турлича бўлади: сферик, параболик, эллиптик. Параболик ва эллиптик рефлекторлар фильм дарсасининг бир текис ёритилишини таъминлайди, лекин уларни ишлаб чиқариш мураккаб ва қиммат баҳланади.

Нур манбай — проекцион электр лампаси. Замонавий проекцион аппаратларда нур манбай сифатида электр лампалар ишлатилади. Катта қувватли аппаратларда электр ёйи, ксенон лампалари, ўрта ва кичик қувватли аппаратларда маҳсус чўғланма лампалар ишлатилади.

Охирги пайтда кварц-галоген лампалари кенг миқёсда құллана бошланды. Улар трубкасынан шаклдаги кичик кварц колбасидан иборат. Чүглиниш жараёнида вольфрам спириалининг бугланишини секинлаштириш мақсадида унинг ичи йод ёки бошқа галоген қўшилган инерт гази билан тўлдирилади.

Лампани электр манбайига улаш кварц колбасига ковшарланган молибден сими орқали амалга оширилади. Молибден симининг максимал қизиш температураси 350°C дан ошиб кетмаслиги керак. Акс ҳолда молибден оксидланади, натижада кварц синиши ва лампани ишдан чиқариши мумкин. Кварц-галоген лампаларининг бу хусусиятларини инобатта олиш зарур. Уларни вентилятор ёрдамида совутмасдан ишлатиб бўлмайди.

Ушбу лампаларни ишлатишда яна бир эҳтиёткорликка риоя қилиш зарур. Лампа колбасини қўл билан ушлаб бўлмайди, чунки қўлдаги доим мавжуд бўлган оз миқдордаги ёғ қатлами лампанинг хидалашинига, нур оқимининг камайиши ва натижада лампанинг тез ишдан чиқишига олиб келади. Лампани бирорта мато ёки резина қўлқон билан ушлаш керак.

Кварц-галоген лампаларининг КГМ 12-100, КГМ 24-150, КГМ 24-250, КГМ 36-400, КГМ 220-500, КГМ 220-1000 ва бошқа турлари мавжуд. Лампа маркасидаги ҳарфлар К— „кварцевая“, Г— „галогенная“, М — „малогабаритная“ сўзларини, рақамлар — биринчиси волътлардаги кучланишининг, иккинчиси ваттлардаги истеъмол қувватининг қийматини билдиради.

Кварц-галоген лампаларининг хизмат муддати ва нур оқими оддий проекцион лампаларнидан юқори.

Конденсор линзалар тизимидан иборат бўлиб, ундан тасвир туширилган обьектни бир текис ёритиш

ва нур оқимини объективнинг кириш дарчасига йигиб беришда фойдаланилади.

Ҳар қандай лампадан ҳосил бўладиган нур оқими аппаратнинг ёритиш қисми деворчаларини ва конденсор линзаларини қиздиради. Шу сабабли уларни совитиш мақсадида вентилятор қўйилади. Диапозитивга тушган катта нур оқими уни қаттиқ қиздириши ва натижада бужмайтириб қўйиши мумкин.

Конденсор линзаларининг орасига қўйиладиган теплофильтрлар иссиқлик нурларини ютиб, диафильмларни қизиб кетишдан сақлайди. Қуввати 150 ватт ва ундан кўп бўлган проекцион лампали аппаратларнинг конденсор линзалари орасига, албатта, теплофильтрлар ўрнатилади. Теплофильтр махсус шишадан тайёрланган пластинкадан иборат.

Кадрлар дарчаси — диапозитив ва диафильмларни нур йўлига перепендикуляр ҳолда конденсордан маълум масофада ушлаб туриш мақсадида фойдаланилади.

Панел (предмет столи) — графопроектор ва эпи-проекторларда ишлатиладиган таълим воситаарини (шаффоф плёнкадаги ёки қоғоздаги тасвир) горизонтал текисликда ушлаб туриш учун мўлжалланган.

Объектив — бир неча линзалардан иборат мураккаб оптик тизим. Унинг вазифаси экранда объективнинг катталаштирилган, аниқ, кескин, равшан тасвирини ҳосил қилиш.

Замонавий проекциялаш аппаратлари кўп линзали қилиб тайёрланади. Кўп линзали объективларда бир линзали объективларнинг камчиликлари бартараф қилинади. Уларда юпқа шаффоф плёнка билан қопланган ёруглаштирилган линзаларнинг ишлатилиши экранда юқори сифатли аниқ, ёрқин тасвир ҳосил

қилиш имконини беради. Уч линзали объективларга „триплет“, күп ва сифатли линзали объективларга „анастигмат“лар мисол бўлади.

Аппаратларни ишлатишда объектив ва ойналарни эҳгиёт қилиш зарур. Уларни тез-тез артавериши тавсия қилинмайди. Чанг аввал юмшоқ чўтка билан, сўнг фланел салфеткаси билан тозаланади.

Ҳар қандай объективнинг асосий параметри унинг фокус масофаси ва нисбий тешик ҳисобланади.

Фокус масофаси — бу оптик ўқ билан параллел нурлар объективдан ўтиб бир нуктада туташган жойидан объектив текислигигача бўлган масофа. Экрангача бўлган масофа бир хил бўлган ҳолда аппаратнинг кичик фокусли объективи экранда каттароқ тасвир беради.

Нисбий тешик — бу объектив линзаларининг диаметри (d), унинг фокус масофаси (F) нисбатига тенг:

$$J_0 = \frac{d}{F}$$

Нисбий тешик қиймати қанча катта бўлса, объективдан шунча кўп нур ўтади. Нурнинг йўқолиши камаяди. Объектив корпусида нисбий тешик, фокус масофаси, завод номери, завод номи ёзилган бўлади. Бу „объективнинг паспорти“ унинг экранга қараган томонида бўлиши зарур.

Статик проекциянинг таълим воситалари

Статик проекциянинг таълим воситалари ёруғлик нури ёрдамида экранга қўзгалмас тасвир тушириш учун хизмат қиласди. У инфомрация элтувчи восита ва техник қурилмадан иборат. Инфомрация элтувчи таълим воситаларига диапозитивлар, диафильмлар, транспорантлар (кодопособиялар) киради.

Диапозитив шаффоф пленкада ҳосил қилинган фототасвирилди. Диапозитивларни ишлатиш осон бўлиши мақсадида уларнинг формати стандартлаштирилган ва техник қурилмаларда ишлатишга мослаштирилган. Ўқув жараёнида қўлланиладиган диапозитивларнинг асосий ўлчами 24x36 мм, 18x24 мм бўлиб, улар 50x50 мм пластмассадан ясалган рамкаларга жойлаштирилади.

Диапозитивлар билан плакатлар ўртасида ўхшалик кўп. Диапозитивдаги тасвир экранда ёруглик билан тушириладиган расмни ҳосил қиласди. Бундай расмдан фойдаланиши худди деворга осилган плакатлардан фойдаланишига ўхшайди. Лекин диапозитивнинг афзаллик томонлари бор: уни экранга проекциялаб, 3—4 кв.м.гача ўлчамли расмлар ҳосил қилиш мумкин. Экрандаги тасвириларни катта бўлиши орка парталарда ўтирган ўқувчиларга кўрсатилаётган нарсанинг барча элементлари билан танишишга ва унинг тўғрисида аниқ тушунча олишга ва у ҳақда тўғри тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Тасвириларни аниқ ва равшан чиқиши ҳам экран қўлланмасининг афзаллигидир.

Диапозитив тасвири ҳам, плакатдаги расмга ўхшаб, ҳаракатлаимайди, лекин бирин-кетин бирорта жараён ривожлана борган сари ўзгарадиган тасвиirlарни кўрсатиш йўли билан бу камчиликнинг ўрни бир оз қопланади.

Бирорта мавзууни ёритиб берувчи диапозитивлар сериясини муаллиф тавсия қиласидиган тартибда кўрсатиш шарт эмас.

Машгулотнинг мақсадига қараб, ўқитувчи диапозитивларни ҳар хил тартибларда кўрсатиши, баъзан бошқа сериядаги диапозитивлардан фойдаланиши мумкин.

Турли манбалардан диапозитивларни танлаш имкони борлиги, экран воситасининг бу хилидан

исталган пайт ва тартибда фойдаланиш мумкинлиги бундай қўлланманинг муҳим афзалигидир.

Диапозитив фильм ёки диафильм плёнкага туширилган диапозитивлардир. Диафильмдаги тасвир ва уни изоҳловчи сўзлар матни узвий болганган бўлиб, яхлит мавзуни ташкил қиласди. Диафильмларда плёнкага туширилган айрим тасвиirlар бир узлуксиз лентага бириктирилган. Уларни муаллиф қандай жойлаштирган бўлса, шу тартибда намойиш қилиш мумкин. Ўқитувчи фақат айрим кадрларни ёки кўрсатилганларини тез ўтказиб юбориши, кўрсатилганларини эса яна қайта кўрсатиши мумкин. Ҳар бир диапозитив мустақил ҳисобланади. Диафильм кадрлари ривожланиб бораётган мавзунинг айрим тасвиirlаригина бўлиб қолмай, балки яхлит асар элементларидир.

Диафильм 35 мм плёнкага туширилади. Диафильмдаги кадрларнинг ўлчами 18x24 ва 24x36 мм бўлиб, уларнинг сони 72 ёки 36 тани ташкил қиласди.

Диафильм кадрларини кесиб олиб, улардан диапозитивлар сериясини ташкил қилиш мумкин. Бундай серияда бирорга кадр ишдан чиқса ёки эскириб қолгани бўлса, уларни алмаштириш осон. Диафильмда эса бундай ҳолларда плёнкани қайтадан ишлаш керак. Диапозитив сериялари диафильмга нисбатан қўнроқ хизмат қиласди, чунки улар диафильм каби фильм каналида қирилмайди.

Кодопособия (транспорант) — босма ёки фотография усулида шаффоф плёнкага ҳосил қилинган тасвир. Кодопособия графопроекторлар орқали намойиш қилинади. Қайси аппаратда ишлатилишига қараб кодопособия кадрларининг ўлчовлари 142x103 мм (эски моделлар учун) ва 250x250 мм (янги чиқарилган моделлар учун) бўлади. Графопроекторларда бир дона кадрдан иборат кодопособиялар, бир-бирининг устига қўйиб кўрсатиладиган 2—6 кадрдан

иборат серияли кодопособиялар ёки эни 260 мм, узунлиги 30 м гача бўлган узлуксиз шаффоф плёнкада ҳосил қилинган тасвиirlар намойиш қилинади.

Эпипособия — ўлчамлари 150x150 мм, 190x190 мм бўлган хира объектлардаги тасвиirlардан (фотография, китоб ва журналлардаги расмлар, схемалар, жадваллардан) иборатdir. Эпипособиялардаги тасвир қайтган нур ёрдамида экранга эпипроекторлар орқали ёки „видеокўз-телеэкран“ тизими орқали проекцияланади.

Диапозитивлар сериясини яратиш технологияси

Ўқув жараёнида маҳсус фабрикаларда тайёрланган диапозитив ва диафильмлардан фойдаланишдан ташқари, фотография воситаларидан фойдаланиб, ўқув юртлари лабораторияларида диафильм ва диапозитивларни тайёрлаш мумкин. Бу икки фотографик усуlda бажарилади.

Биринчи усул — олдий **негатив-позитив жараён** бўлиб, бунда негатив тасвиirlан контакт ёки проекцион нусха кўчириш усулида диапозитивлар ҳосил қилинади. Бу усул диапозитивларни кўплаб ишилаб чиқаришда қўлланилади.

Иккинчи усул — **қайтариш жараёни** бўлиб, унда тасвир маҳсус фотоматериалларга туширилади. Очириш пайтида дарҳол тайёр позитив тасвир ҳосил бўлади. Бу усуlda диапозитив бир нусхада олинади. Уни кадрлаш ёки масштабини ўзгартириш йўли билан тузатиш мумкин эмас, шунинг учун суратга олиш нуқтасини яхши танлаш, плёнкага ишлов берганда эса жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Агар сурат олинган плёнкадан диафильм сифатида фойдаланилса, унинг кадрлари олдиндан тузилган

сценарийга мос тушиши керак, чунки суратта олингандиафильмда кадрлар тартиби ўзгармайди.

Қайтариш жараёни диапозитив олишни анча тезлаштиради. Шундай усулда рангли диапозитивларни ҳосил қилиш рангли негатив-позитив усулида ҳосил қилишга қараганда анча осон. Рангли қайтувчи плёнкада рангларнинг сифати рангли негативдан нусха кўчиришдагига қараганда анча сифатли чиқади.

Лабораторияда диапозитив ёки диафильмлар сериясини яратиш учун дастлабки тасвирий материални тайёрлаш ва тушунириш матнини ёзиш керак. Диапозитивлар серияси устида ишланиши диафильмлар устида ишлашдагига қараганда осонроқ, чунки диапозитивларда қисқагина ёзувлар бериш кифоя. Бу ёзувлар, кўпинчча, нима тасвиirlанганлигини айтишдан иборат бўлади. Сюжетли серия матни анча мураккаб, чунки у диапозитивларни ягона сюжет билан бир-бирига boglайди.

Диафильмда кадрлар матн билан янада чуқурроқ боғлиқ бўлгани учун олдиндан сценарий ишлаб чиқилади. Унда ҳар бир кадрга оид матн берилади.

Тасвирий материал мавжуд фотографиялар, расмлар, китоблардан олингандиафильм схемалардан танланади. Уларнинг ўлчами 24x36 ёки 18x24 см бўлиши лозим.

Тасвиirlарнинг тагига расмларнинг мазмунини билдирувчи сўзлар ёзилади. Сўнг репродукцион қурилма ёрдамида расмлар кетма-кет фотоаппаратга туширилади. Фотоплёнкага кимёвий ишлов берилгандан сўнг негатив тасвиirlи диафильм ёки диапозитивлар ҳосил бўлади.

Диапозитив ва диафильмлар контакт усулида негативдан позитивга кўчади.

Статик проекциянинг техник воситалари

Статик проекция аппаратлари кадрларни алмаштириши, тасвири фокуслаш жараёнларини бошқаришинг автоматлаширилганлиги даражасига қараб суперавтоматик, автоматик, яримавтоматик, ноавтоматик турларга бўлинади.

Суперавтоматик аппаратлар операторсиз берилган дастур (вақт релеси, дастурли қурилма) бўйича ишловчи ва автофукус қурилмаси билан жиҳозланган проекцион аппаратлардир. Бундай аппаратларга „Альфа—203“, „Альфа 35—5 автофокус“, „Пеленг—700“ диапроекторларини мисол қилиш мумкин.


Автоматик аппаратлар кадрлар алмашуви, фокуслаш ўз двигателларига эга бўлган механизмлар ёрдамида пулт орқали бажариладиган аппаратлардир. Буларга „ЛЭТИ—60М“, „Лектор — 60“, „Протон“, „Кругозор“, „Алфа 35 — 50“, „Свияз — авто“ ва бошқа диапроекторлар киради.

Яримавтоматик аппаратлар масофадан бошқариш пулти бўлмаган, фокуслаш, кадрларни алмаштириши механизмлар ёрдамида бажариладиган аппаратлардир. Булар туркумига „Свияз“, „Свияз—М“, „Горизонт“ кабилар киради.

Ноавтоматик аппаратлар ҳамма ишчи элементлари ўқитувчи томонидан бошқариладиган аппаратлардир. Бундай аппаратлар кичик аудиторияларда ва ўқитувчиларнинг машгулотдан олдин диафильм мазмунини билан танишиб чиқиш учун ишлатишга мўлжалланган. Булар жумласига „Экран“, „Свет“, „Этюд“, „Спутник“ диапроекторлари киради.


Диапроекторлар

Диафильмларни намойиш қилишга мўлжалланган диапроекторларда кадрларни алмаштирувчи қурилма



4- расм. Диафильмларни намойиш қиласынан проекторларнинг соддалаштирилган лента тортиш механизми схемаси.

лента тортиш механизмидан иборат (4-расм). Фалтакларға ўралған диафильм лента тортиш механизминин фильм каналы 2 орқали бир фалтакдан иккинчи фалтакка ўралади.



5- расм. Диапозитивларни намойиш қилингана мүлжалланган проекторларнинг кадрлар алмаштириши қурилмасининг соддалаштирилган схемаси.

Диапозитивларни намойиш қилипга мұлжалланған диапроекторларда кадрлар алмаштирувчи қурилма (5-расм) диапозитивлар жойлаштирилған кассета 1 дан ва диапозитивлар 3 ни кассетадан туртиб фильм канали 4 га намойиш қилипга жойлаштириладиган, намойишидан сүнг диапозитивни кассетадаги ўз жойига қайтарадиган туртгич 2 дан иборат. Диапозитив кассетага қайтарылғандан сүнг, кассета олдинга ёки орқага юриб, кейинги диапозитивни намойиш қилипга тайёрлайди.

Диафильмларни намойиш қиладиган диапроекторларда диафильм лентаси фильм дарчасига жойлашған икки шаффофф ойна орасидан сиқилиб ўтади. Экрандағи тасвир бир маротаба фокусланғандан сүнг у намойиш давомида ўзгармайды. Бунга сабаб шаффофф ойна диафильм лентасининг фокус текислигидан чиқиб кетишига йўл қўймайди.

Диапозитивларни намойиш қиладиган диапроекторларда диапозитив фильм каналида эркинроқ жойлашади. Кадрлар алмаштанды улар фокус текислигига нисбатан олдинда ёки орқада туриб қолиши мумкин. Ушбу ҳолда экрандағи тасвир хирадашади.

Тасвирни тиниқлаштириш учун объективни олдинга ёки орқага суриб фокуслантирилади. Тасвирни фокуслантириш қўлда, узокдан бошқариш пулти орқали ёки автофокус қурилмаси ёрдамида бажарилади.


Суперавтоматик диапроекторлардан „Алфа—203“ ўз конструкциясига кўра анча такомиллашған диапроекторлардан бўлиб, унда автоматик равища тасвирни фокуслаш, кадрларни алмаштириш мумкин. У ўлчами 50x50 мм ли рамкага 24x36 ли оқ-қора ва рангли диапозитивларни намойиш қилишга имкон беради. Унинг кассетасига 50 дона диапозитив сигади, объективи „Триплет“ маркали бўлиб, фокус масофаси 80 мм ва нисбий тешик 1:2, 8.

Катталаштириш чегараси 15—75 мартагача, ёрутлик оқими 400 лм.

Диапозитивлар автоматик, яримавтоматик ва құл билан алмаشتаришига мүлжалланған, тасвириңнің фокусланиши ҳам автоматик, яримавтоматик ва құл билан бажарып режимига әга, таъминлаш күчланиши 220В, номинал қуввати 225Вт.

Диапроектор „ЛЭТИ—60М“ диафильмларни экранда намойиш қилиш учун мүлжалланған бўлиб, автоматик аппаратлар қаторига киради. Унда масофадан бошқариш пулти мавжуд бўлиб, лектор ассистентсиз керакли кадрларни намойиш қила олади. Диапроектор объективининг фокус масофаси 91,7 мм, нисбий тешик 1:2, кадрлар дарчасининг ўлчами 18x24 ва 24x36 мм, катталаштириш чегараси 32,6—108 га тенг.

Аппаратнинг тузилиши диафильмга горизонтал (кадрлар ўлчами 24x36 мм) ёки вертикал (кадрлар ўлчами 18x24 мм) туширилган тасвиirlарни намойиш



6- расм. Диапроектор „ЛЭТИ — 60М“

1— ёритиш қисми; 2— объектив; 4— вентилятор; 5— масофадан бошқариш пулти; 6— лампа переключатели; 7— кадрларни ҳаракатлантирувчи переключатель; 8— электроинур; 9— тұгмача; 10— қотирувчи винт; 11— лента тортшы механизми; 12— объектив қалпоги; 13— винт; 14— оёқча.


қилиш имконини беради. Унинг ёритиш-проекциялаш тизими, катта ёруглик оқимига эга бўлиши қоронгилаштирилмаган аудиторияларда ишлатишга, ўқувчилар фикрини чалгитмасликка, лекцияларни бемалол ёзиб олишга ёрдам беради.

Диапроектор „ЛЭТИ – 60М“ нинг оптик схемаси ёритиш қисми 1(лампа, қайтаргич, иссиқлик фильтрли конденсор)дан ва проекциялаш қисми 2 (объектив)дан иборат (6- расм). Аппаратда кварц-галоген лампаси КГМ220—500 ишлатилган.

„Світязь-авто“ диапроектори ҳам автоматик диапроекторлар туркумига мансуб бўлиб, ўқитиш жараёнида кенг қўлланиладиган аппаратdir. Диапроектор ўлчами 24x36 мм ли оқ-қора ва рангли диапозитивларни намойиш қилишга мўлжалланган. Унинг кассетасига 36 дона диапозитив сигади, объективи „Триплет“ маркали бўлиб, фокус масофаси 78 мм, нисбий тешити 1:2, 8. Проектор билан экран орасидаги масофа 0,5 дан 6 м гача бўлганда тасвир 5 дан 75 мартағача катталашади. Ёруглик манбаи КГМ 24—250 кварц-галоген лампали.

Диапроекторда диапозитивларни алмаштириш ундаги ёки масофадан бошқариш пултидаги тутмачани босиб, диапозитивлар жойлаштирилган кассетани автоматик равишда олд-орқага ҳаракат қилдириш орқали амалга оширилади.

Диапроекторнинг асосий қисмлари (7-расм) кассета 1, объектив 2, туртгич-ричаг 3, диапозитивларни алмаштириш тутмачаси 4, диапроектор оптик ўқини горизонтал ўқقا нисбатан бурчагини ўзгартириш оёқчаси 5, лампани улаш тутмачаси 6, масофадан бошқариш пулти 9 дан иборат. Масофадан бошқариш пулти орқали диапозитивларни тутмача 10 ёрдамида алмаштириш ва тутмача 11 ёрдамида тасвирни фокуслаш мумкин.



7- расм. Диапроектор (кадропроекtor) „Свитяз-авто“.

1— кассета; 2— объектив; 3— туртгич ричаг;
4— диапозитивларни алмаштириши тугмачаси;
5— оёқча; 6— лампани ёқиши ва ўчириши тугмачаси;
7— винт; 8— қонқоқ; 9— масофадан бошқариши пулти
(УПБ); 10— УБП даги диапозитивларни алмаштириши
тугмачаси; 11— масвирни фокуслаши тугмачаси.


Графопроекторлар

Проекцион аппаратлар ичиде графопроекторлар ишлатишга қулай, күп вазифали, намойиш қилинадиган воситаларни тайёрлаш осон бўлган аппарат ҳисобланади. Графопроекторларнинг тузилиши содда, ҳаракатланувчи механизмларнинг йўқлиги сабабли таъмирлашни ҳам талаб қилмайди. Унинг оптик схемаси объектив, предмет столчаси, конденсор, проекцион лампа ва рефлектордан иборат. Информация манбай қенглиги 170 дан 250 мм гача, узунлиги 5—10 м бўлган шаффофф лентадаги ёзувлар ва чизмалардан иборат лента аппаратнинг ён томонларида жойлашган галтакларга ўралади.

Лентага информация сиёхли авторучка ёки махсус фломастерда ёзилади. Лентанинг маълум қисми тўлғандан кейин уни иккинчи галтакка ўраб, бўш қисми ёзиш учун галтакдан чиқарилади. Дарсдан сўнг ёзувларни ўчириб ташлаш мумкин. Графопроектор орқали ўлчови 250x250 мм дан катта бўлмаган диапозитивларни намойиш қилиш анча қулай.

Графопроекторларни қўллашдаги қулийликлар, асосан, куйидагилар билан ифодаланади:

1. Ўқитувчи машғулот вақтида аудиторияга қараб туради, бу эшитувчилар диққатини ўзига тортади.
2. Ўқитувчи бўр билан ишламайди.
3. Аппаратнинг предмет столида ўқитувчи керакли сўзларни, чизма ва суратларни тез чиза олади.
4. Лекцияга тегишли информациини уйда олдиндан ёзib келиш мумкин.
5. Нур ўтказмайдиган ясси деталларнинг ва ҳаракатланувчи моделларнинг соясини экранда қўрсатиш мумкин.



8- расм.

6. Целлофан лентадан алоҳида тайёрланган кўп қатламли диапозитивлардаги мураккаб расмларни анализ ва синтез қилиб экранда тасвирилаш уларни ўзлаштиришни осонлаштиради.

7. Проекцион лампанинг ёруғлик оқими кучли бўлганлиги сабабли синф хоналарини бутунлай қоронгилаштириш шарт эмас (8- расм).

Графопроекторлардан фойдаланишининг энг катта қулайлиги улар орқали намойиш қилиш учун мўлжалланган диапозитивларни (транспорантларни) тайёрлаш осонлигидир. Бунинг учун шаффоф цеплофандан, полиэтилен плёнкадан ўлчовлари тахминан 200x200 мм бўлган асос қирқиб олинади. Содда чизма, сўз ва формуаларни асосга туш ёки маҳсус рангли фломастер орқали ёзилади. Мураккаб чизма, штрихли расмларни эса ксеронусха орқали чиқариш мумкин.

Охиригина пайтда лазерли принтерга эга бўлган компьютерларнинг қўллана бошлаганлиги улар орқали диапозитивларни тайёрлашни осонлаштириди. Лазерли принтер компьютер дисплейидаги ёзувларни, чизма, график, расм, жадвалларни сифатли қилиб шаффоф плёнкага тушириб бериш имкониятига эга.


Ксеронусха ва лазерли принтерларда электрофотография усулидан фойдаланилади. Оптик тизим орқали нур ёрдамида ҳосил қилинган тасвирини яrim ўтказгич пластинкасида кўринмас электр потенциали тасвирга айлантирилади. Сўнг тасвир маҳсус бўёқлар орқали қоғозга ёки шаффоф плёнкага ўтказилади.

Графопроекторларнинг ППО-1, ГП-1, „Лектор-2000“, „Полилюкс-1“, „Код-1“, „Лез-3“ ва бошқа моделлари бор. Улар предмет столчасининг кадрлар дарчаси ўлчами ва проекциялаш лампасининг қуввати билан фарқ қиласи (4- жадвал).

Ашаралг номи	Нур мабай	Лампа- нинг кувва- ти, Вт	Объектив- нинг фокус масофаси, мм	Нур оқими, лм	Кадрлар дарчаси, мм	Габарит ўчнови, мм	Мас- саси, кг
Код—1	ПЖ—13 ПЖ—20	500	260	600	144x104	145x29 x 670	16,5
Лектор — 2000	KTM— 220—750	850	365	2000	250x250	370x700 x 797	12
Поли- люкс	„Нарва“	650	345	1800	250x250	320x320 x 700	6
Лех—3	„Теслю“	600	360	1800	260x260	420x530 x 600	12

„Лектор— 2000“, „Полилюкс— 1“, „Лех— 3“ графо-проекторларида Френел конденсори ўрнатилган. Ушбу графопроекторларнинг кадрлар дарчаси 250x250 мм бўлганилиги сабабли уларга ўрнатиладиган нур йигувчи конденсор линзасининг диаметри ҳам катта бўлиши керак. Бундай линзаларни шишадан ясаш мураккаб, яъни уларнинг вазни оғир бўлади, таннахи қимматлашади. Шу сабабли уларда шаффоф пластмассадан ясалган ясси Френел конденсор линзаси ишлатилган.

Линза юзасининг бир томони силлиқ, иккинчи томони эса грампластинка юзасини эслатади. Бу юзада сферик линза шаклини такрорловчи ҳалқасимон концентрик юзалар барпо қилинган (9-расм). Линзанинг қалинлиги 5—6 мм. Концентрик юзалар юқори температурада эриб, ўз шаклини йўқотиши ва нур оқимини фокуслай олмаслиги мумкин. Бундай линзаларни тиклаб бўлмайди, улар алмаштирилади. Шунинг учун графопроекторлар вентилятор ва термореле билан жиҳозланган. Термореле проекцион




9- расм.

лампа ўчирилгандан сўнг ҳам графопроектор ичидаги ҳаво ҳарорати ташқи ҳаво ҳарорати билан тенглашмагунча вентиляторни ўчирмайди. Графопроекторни ток манбаидан фақат вентилятор тўхтагандан сўнг узиш мумкин.

Графопроектор „Полилукс-1“нинг умумий кўриниши 10- расмда келтирилган.

Товушли информация воситалари

Товушли информация воситаларига радио орқали эшиттириш, грампластинка ва магнит лентасига ёзилган товушлар киради. Товуш кўргазмалилиги информация узатишда, унинг маъносини тушунишда ва хотирада мустаҳкамлашда бошқа кўргазмалиликлар



10- расм. Кодоскоп (графопроектор) „Полилукс – 1“.

*1, 2— кассета; 3— кронштейн; 4— корпус;
5, 6— миросак; 7— объектив; 8— күзгү; 9— фиксатор;
10— переключатель; 11— фокуслаш винты; 12— тасвир
баландлигини тұғырлаш тұгмачаси.*

ицида алохила ўрин әгаллайды. Ҳамма ўқувчилар ҳам тинглаш орқали тұлық информация олавермайды. Улар ўзлаштирилиши қийин бұлған машгүлолтарни қайта тинглашға муҳтож бұладылар. Ушбу муаммони овозни ёзіб олиш ва уни әшиттириш орқали ҳал қилиш мүмкін.

Ишлап жараёнида овозини ўзгартыриш хоссасига эга бўлған обьект ва ҳодисаларни идрок қилишда овоз кўргазмалилиги катта аҳамиятта эга. Масалан, двигател ёки станокдан чиқаётган товушга қараб, уларнинг техник ҳолатини ва созлашда йўл қўйилган камчиликларни, бузилган жойларини аниқлаш мүмкін. Агар двигател клапанларини ўрнатишда тирқинш нотүгри қўйилган бўлса, ишлап вақтида унда бегона

товушлар пайдо бўлади. Ўқитувчи ушбу мавзуни тушунтираётганда магнит лентасига ёзиб олинган клапанларниң тўғри ва нотўғри созлангандвигателлардан чиқаётган товушларини ўқувчиларга намойиш қилиши мумкин.

Товушли информация воситаларини намойиш қилиш техник воситаларига электрофон, магнитофон аппаратлари киради. Сифат бўйича ҳамма товуш техник аппаратлари юқори I, II, III, IV синфларга бўлинади. Аппаратураларнинг сифати товушларнинг частота оралиги ва унинг чиқиши қуввати билан аниқланади. Частоталар оралиги қанча катта бўлса, аппаратуранинг синфи шунча юқори бўлади.

Товуш техник воситалари монофонли ва стереофонли бўлиши мумкин. Стереофонли товушнинг моҳияти шундаки, овоз икки канал орқали ёзилади ва алоҳида икки карнай (громкоговорител)лар орқали эшилтирилади. Бу ҳажмли товуш сифатида идрок қилинади. Товуш техник воситалари ичидагани тоғони магнитофон энг кўп тарқалган. Ўқитувчилар магнитофон орқали ўз машгулотларига мустақил равишда магнитофильм яратишлари мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. Ёруғлик проекциясини таърифланг.
2. Диапроекциянинг эпипроекциядан фарқи нима?
3. Диапроекциянинг оптик элементлари вазифаларини изоҳлаб беринг.
4. Диапроекторларни бошқаришнинг автоматлаштириш даражаси бўйича турларга бўлининини айтаб беринг.
5. Графопроектор (кодоскоп)ларни қўллашдаги курайликларни санаб беринг.
6. Графопроекторларда қўлланиладиган Френел конденсорининг оддий конденсорлардан фарқи нимадан иборат?
7. Товушли информация воситаларини ўқитиш жараёнида қўллашга мисол келтиринг.

ДИНАМИК ПРОЕКЦИЯ АСОСЛАРИ

Үқитиши жараёнида статик проекция воситаларини күллаш билан бир қаторда динамик проекция воситаларига ҳам катта аҳамият берилади. Унинг мақсади объектларни ҳаракатда күрсатиши, овоз билан ундаги воқеаларни ёритиб бориш орқали кўргазмалиликни яхшилаш, оддий кузатиш орқали илгаб бўлмайдиган жараёнларни ўқувчиларга намойиш қилишидир.


Шунингдек, ҳаётда узоқ давом этадиган жараёнларни, масалан, ўсимликларнинг ўсиши, металларнинг занглаши динамикасини қисқа вақт оралигида күрсатиши мумкин. Шу билан бирга, жуда қисқа вақт оралигида намоён бўладиган жараёнларни, масалан, спортчининг сакраши, порохнинг ёнишини секинлаштириб күрсатиши, ҳаракат фазалари ва жараёнларни чуқурроқ тадқиқотлаш учун уларни алоҳида қисмларга ажратиб намойиш қилиш ҳам мумкин.

Ўқув телевиденияси таълим техник воситаларининг бир тури бўлиб, катта техник ва педагогик имкониятларга эга. У статик ва динамик проекцияларни, овоз техник воситаларини ўзида мужассамлаштирган. Телевидения ёрдамида табиий объектлар ва график материалларнинг эпипроекциясини намойиш қилиш мумкин.

Ўқув телевиденияси бир аудиторияга алоҳида жойлаштирилади. Бундай аудиторияларда ўқитувчи ўқув телевиденияси билан бир қаторда, машғулотнинг мазмунига қараб, аудиториядаги бошқа таълим техник воситаларидан ҳам фойдаланиб дарс ўтади. Агар ўқув юртида ўқув телевиденияси мавжуд бўлса, маъру-

заларни студия орқали бир нечта аудиторияларга узатиши мүмкін.

Хозирги пайтда республикамизнинг лицей ва коллежларида табиий объектлар, объектларнинг тасвири, график материалларнинг эпипроекциясини ҳамда динамик тасвирларни телевизор экраныда „Видеокўз-телевизор“ комплекси орқали намойиш қилиш кент кўлланилмоқда.



11- расм. а — панел олди; б — панел орқаси.

Видеокўз ихчам видеокамерадан иборат бўлиб, у сенсорли бошқариш пултига эластик эгилувчан „оқ-қора бўйни“ орқали боғланади. Бошқарув пултига

видеокұзни „иши түшириш“, „ёрқинликни бошқарыш“, „оқ-қора/рангли“, „негатив/позитив“ тұтмачалари жойлашған (11- расм). Видеокұзни масофадан бошқарыш пулти орқали бошқарыш мүмкін. Масофадан бошқарыш пултига юқорида көлтирилған тұтмачаларға құшимча видеокамера каллагини горизонтал ва вертикаль ҳаракатлантириш, телевизорни бошқарыш, тасвиirlарни күтталаشتырыш тұтмачалари жойлашған.

Видеокұз — компьютер комплексли ҳажмли обьектларни (12- расм), махсус қурилмалар орқали диафильмларни (13- расм) ва микроскоп остидаги биологик обьектларнинг тасвирини экранга түшириб намойиш қилиш имконига эга (14- расм).

Видокұз — компьютер комплекси тизимининг имкониятлари ва биргаликда ишлатыладын аңжомларнинг таркиби 12- расмда көлтирилған:



12- расм.

1 Диафильм насадкаснин
видеокүз қалашығынан.



2 Құшиш тұтмасини босынг.



3 Насадкага диафильмні
жойластырынг.



4 Диафильмні намойиш
қыннан.



13- расм.

1 Микроскоп насадкаснин
видеохұз қаптагига үланс.



2 Микроскоп насадкаснин
микроскопты үшінг.



3 Құшиш тұтмасини
босынг.



4 Микрофондерден
намойиш қыннан.



14- расм.

Савол ва топшириқлар

1. Динамик проекциянинг мақсадини шарҳланг.
2. Динамик проекциянинг имкониятлари қандай?
3. Ўқув телевидениясининг имкониятлари нималардан иборат?
4. Видокўз — компьютер комплексининг асосий қисмларини санаб беринг.
5. Видокўз — компьютер комплекси орқали нималарни намойиш қилиш мумкин?

ЎҚИТИШНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ


Дастурлаштирилган ўқитиш

ХХ асрнинг иккинчи ярмидан кейин ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билимлар ҳажми жуда кенга-йиб кетди, ўқитиш муддатлари эса эскилигича қолди. Шу сабабли ўқув жараёни самарадорлигини ошира-диган янги методларни ишлаб чиқиш зарурияти туттилди.


Шу даврда кибернетика фанининг ривожланиши ва унинг мураккаб динамик тизимларини оптимал бошқариш тўғрисидаги гояларни ўқитиш жараёнига татбиқ қилиш натижасида педагогикада *дастурлаштирилган ўқитиш технологияси* вужудга келди.

Кибернетика таълимотига қўра, агар бошқариш бўлими ва бошқарилётган обьект ўртасида тўғри ва акс бодганини каналлари орқали доимий алоқа бўлса, бундай тизимни оптимал бошқариш мумкин. Ушбу моделни ўқитиш жараёнига татбиқ қилсак бошқариш бўлими ўқитувчи, ўқитиш машинаси ёки дастурлаштирилган дарслик бўлади. Бошқариладиган обьект—ўқувчи. Тўғри бошқариш канали — бу ўқитувчи, ўқитиш машинаси, дастурлаштирилган дарслик орқали ўқувчига йўналтирилган ўқув информацияси. Акс бодганини канали эса бошқариш бўлимига йўналтирилган ўқувчининг саволларга берган жавоби, ечилган мисолларнинг натижалариидир (5-жадвал).

Үқитиши жараёнининг кибернетик модели




Оддий фронтал — лекция үқиши жараённанда факт тұғри боғланиш канали ишлайды. Тұғри боғланиш канали орқали үқувчилар үқитувчининг мәтіндерини, намойиш қилингандықты, схема, плакаттарни, доскага ёзилған ёзевларни идрок қыладады. Үқитувчи маштабын жараённанда бир неча үқувчидан сүраб, мавзунинг қандай үзлаштирилаётгандығын анықлаши мүмкін. Лекин бу акс канали орқали келаётгандықтан информация жуда ҳам кам ва үқитиши жараёнини оптималь бошқариш учун мүллюқ етарли эмас. (15- расм).



15- расм. „Бир үқитувчи — үқувчилар гурухы“ үқитиши модели.

Ўқитишининг энг самарали тури бу индивидуал ўқитишилир. Бу моделда ўқитувчи бир ўқувчига таълим беради. У ўқув материалининг маълум қисмини ёки бирорта тушунчани ўқувчига баён қилади. Сўнг унинг қандай ўзлаштирилганини саволлар орқали, мисол-масалалар ечиш орқали аниқлади. Агар материал яхши ўзлаштирилмаган бўлса, ўқитувчи уни тўлиқ ёки қисман қайтариши, қўшимча маълумотлар бериши мумкин. Ушбу материал тўлиқ ўзлаштирилмагунча ўқитувчи навбатдаги материални баён қилмайди. Индивидуал ўқитишила тўгри ва акс боғланиш каналлари мунтазам ишлайди ва ўқитиш жараёнини оптимал бошқаришга имкон беради. Лекин индивидуал ўқитишини кенг кўламда қўллангта иқтисодиёт йўл бермайди (16-расм).



*16-расм. „Бир ўқитувчи — бир ўқувчи“ (индивидуал)
ўқитиши модели.*

Демак, ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш учун уни индивидуаллаштириш, яъни унга индивидуал ўқитиши шаклини бериб, ўқитувчилар сонини кўпайтирмасдан ўқитишининг оммавийлитини сақлаб қолиш зарур. Бунинг учун ҳар бир ўқувчидан акс боғланиш канали орқали ўқитувчига узлуксиз ахборот узатишга шароит яратиш керак. Бундай фронтал лекция ва индивидуал

ұқитиши афзалликларини үзида мужассамлаштирган ұқитиши жараёни **дастурлаштирилған ұқитиши** деб аталади.

Дастурлаштирилған ұқитиши жараёнида ұқитиши дастури ва ўқувчи орасыда узлуксиз информация алмашишта шароит яратилади. Информация алмашып уч босқичдан иборат бўлади.


— ўқувчига ўқув материалы ва шу материалга оид савол ёки топшириқ берилади;

— ўқувчига ўқув материалини мустақил равишда ўзлаштиради. Сўнг савол ва тоншириқларга жавоб топади. Жавобларни акс бояланиш канали орқали ұқитиши дастурига узатади;

— ұқитиши дастури тўғри бояланиш канали орқали ўқувчига жавобларнинг тўғри ёки нотўғрилиги тўғрисида ахборот беради. Жавобларнинг мазмунига қараб информация материалини қайта ұқиши, навбатдаги материални қайта ұқиши, навбатдаги информация материаллига ўтиш тўғрисида кўрсатма беради (6- жадвал).


Дастурлаштирилған ұқитиши дастурлаштирилған дарслик ёки ұқитиши машинаси, компьютер орқали амалга оширилади. Дастурлаштирилған дарслик ёки ұқитиши машинаси ұқитиши жараёнини кичик информация бўлакчаларини қадамба-қадам ўзлаштириш орқали амалга оширади. Ҳар бир информация бўлакчалари ұқитиши дастурининг қадами деб аталади. Ҳар бир қадам бир қанча кадрлардан ташкил топади.

Информацияни ўзлаштириш блок-схемаси



Дарслік информация бұлакчаларидаги түшунча үқувчи томонидан тұлық ұзлаштирилмагунча кейинги информация бұлакчасига ўтишпа ижозат бермайды, яни үқувчиларнинг ўқишиңа ғаолияттінің бошқарыб турады.

Демек, дастурлаштирилган үқитиш тизимида бир үқитувчи үзининг дастурлаштирилган дарслігі орқали ҳар бир үқувчи билан индивидуал алоқада бўлади ва бир вақтнинг ўзида үқувчилар групхининг ўқиши жараёнини бошқарыб боради (17- расм).



- үқитиш дастури
- үқитиш машинаси, дастурлаштирилган дарслік

17-расм. Дастурлаштирилган үқитиш модели.

Үқитиш дастури кетма-кет ва тармоқланган бўлади.


Кетма-кет үқитиш дастурида кадрлар қадами ва қадамдаги кадрлар кетма-кет жойлашади.

Тармоқланган үқитиш дастурида ҳар бир қадам информация кадри (И), топшириқ кадри (Т), тармоқланган жавоблар акс бошланиш кадри (Ж) ва кўрсатма кадри (К) дан иборат бўлади (7- жадвал).

Информация кадри (И) кичик информация бўлак-часидан иборат бўлиб, бирорта тушунча ёки қоидадан иборат бўлади. Информациянинг ҳажми икки хат-бошидан кўп бўлмаслиги керак.

7- жадвал

Тармоқланган ўқитиш дастури қадамининг тузилиши



Дастурлаштирилган назорат воситалари

Билимни баҳолаш ўқув жараёнининг ажратиб бўлмайдиган қисмидир. Ҳар бир ўқувчининг билимини баҳолаш ўз вақтида ва узлуксиз олиб борилиши зарур. Ўқув юртларида билимни назорат қилиш

огзаки сұраш, реферат ёзиш, тест топшириги, ёзма иш, семинар, лаборатория-амалий машгүләтларини бажариш, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёт ҳисоботи, давлат имтиҳони, диплом лойиҳаси орқали амалга оширилади.

Назорат турлари уларни ўтказиш вақтига қараб жорий, оралиқ ва якуний бўлади. Жорий назорат бирорта мавзуни ўзлаштириш даражасини баҳолашдан иборат. Оралиқ назорат мақсадли бир нечта мавзуларни қанчалик ўзлаштирилганлигини баҳолайди. Якуний назорат эса фан бўйича ўзлаштиришни баҳолайди. Рейтинг тизими жорий қилингандан сўнг билимни баҳолашда тест саволларидан фойдаланиш кенг тус олди. Тест саволлари орқали жорий, оралиқ, якуний баҳолаш стандартлаштирилган топшириқлар орқали амалга оширилади.

Стандартлаштирилган топшириқлар ягона тўғри жавобли топшириқлардир. Бундай топшириқлар икки хил бўлади: эркин жавобли (интенсив) ва танланма жавобли (электив).

Эркин жавобли стандартлаштирилган топшириқлар савол ва масала шартларидан иборат бўлиб, ўқувчи унга ёзма равишда жавоб беради. Бу усул ўқитиш жараёнида қўллаш учун қулай, лекин жавобларни текширишга кўп вақт кетади ва текширишни автоматлаштириш жуда қийин.

Танланма жавобли стандартлаштирилган топшириқлар савол ва жавоблар тўпламидан иборат. Жавобларнинг ичидаги биттаси тўғри, қолганлари эса нотўғри бўлади. Ўқувчи жавоблар ичидаги тўғри деб топганини ёзиб беради ёки унинг кодини билим текшириш қурилмасига киритади.

Танланма жавобли стандартлаштирилган топшириқлар орқали билим текширишини автоматлаштириш осон ва шунинг учун ҳам улар ўқитиш жараёнида кенг қўлланади.

Танланма жавобли стандартлаштирилган топшириқларнинг қуидаги турлари мавжуд:

1. Алтернатив танланма жавобли топшириқлар.

Бунда саволга ҳа ёки йўқ, катта-кичик, кам-кўп, иссиқ-совуқ деб жавоб берилади.

Диапроектор экранга қанчалик яқин турса тасвирнинг ёрқинлиги шунча...

- а) кам бўлади;
- б) кўп бўлади

(Жавоб: б)

2. Бир тўғри жавобли танланма топшириқлар.

Саволга берилган бир қанча жавоблар ичидан ягона тўғрисини топиш тавсия қилинади.

ЮНЕСКОнинг кузатишларига кўра, ҳам эшитиши, ҳам кўриши орқали инфомациянинг неча фоизини эсда сақлаб қолиши мумкин?

- 1. 15 % ни;
- 2. 25 % ни;
- 3. 65 % ни;
- 4. 75 % ни.

(Жавоб: З)

3. Аккордли танланма топшириқлар. Аккордли танланма топшириқлар савол ва элементлар йигиндисидан иборат бўлиб, ўқувчи саволга тўғри жавоб берадиганларини элементлар ичидан танлаб олиши керак.

Куидада қайд қилинганларнинг қайси бири таълим воситаси ва қайси бири таълимнинг техник воситаси?

- 1. Видеофильм.
- 2. Видеомагнитофон.
- 3. Видеокассета.
- 4. Графопроектор.
- 5. Магнитофон.
- 6. Макет.
- 7. Диапроектор.

8. Модел.
9. Компакт диск.
10. Видеопроектор.
11. Аудио кассета.

Таълим воситалари: _____

Таълимнинг техник воситалари _____

(Жавоб: Таълим воситалари: 1, 3, 6, 8, 9, 11)

Таълимнинг техник воситалари: 2, 4, 5, 7, 10)

4. Кетма-кет операцион топшириқлар. Улар савол ва элементлар йигиндисидан иборат. Ўқувчи керакли элементларни танлаши ва уларни маълум кетма-кетликда кўрсатиб бериши керак.

Информацияни ўзлаштириш блок схемасидаги қўйидаги операцияларнинг кетма-кетлигини кўрсатинг.

1. Назорат топшириги.
2. Жавоблар таҳлили.
3. Информацияни ўзлаштириши.
4. Информация.
5. Назорат топшириқларини ечини.

(Жавоб: 4, 3, 1, 5, 2)

Билимларни баҳолаш тарқатма сўров варақалари орқали бажарилиши ҳам мумкин. Бу усуlda билимни баҳолаш кўп вақтии талаб қиласди. Ҳозирги пайтда билимларни баҳолаш, асосан, компьютерлар орқали амалга ошириласди. Улар бир вақтнинг ўзида ҳамма туруҳ ўқувчиларидан назорат саволларига жавоб олади. Жавобларни этalon жавоблар билан солиштириб, ўқувчиларнинг билим даражаси баҳоланади. Натижада билимни баҳолаш қисқа муддатда бажариласди, назоратларни мунтазам равишда ўтказишга имкон туғилади.

Савол ва топшириқлар

1. Ўқитиши жараёнини жадаллаштириш зарурлиги сабаблари ҳақида тұхталинг.
2. Ўқитишининг кибернетик модели иштирокчиларини айтинг.
3. „Бир ўқитувчи — ўқувчилар гурухи“ модели ҳақида гапириб беринг.
4. Индивидуал ўқитиши моделининг тавсифини айтинг.
5. Дастурлаштирилған ўқитиши моделининг тавсифи шарыланғ.
6. Информацияни үзлаштириш блок-схемасининг түзилиши ҳақида гапириңг.
7. Тармоқданған ўқитиши дастури қадами қандай түзилған?
8. Стандартлаштирилған топшириқлар деб қандай топшириқтарға айтилади?
9. Билимни бақолаш воситаларининг имкониятларини айтинг.

ИНТЕРФАОЛ АУДИОВИЗУАЛ ВОСИТАЛАР

Шахсий компьютер — универсал аудиовизуал восита

Таълим воситаларининг синфланиши бўйича электрон ҳисоблаш машиналарини аралашма техник воситалар деб аташ мумкин. У ҳамма таълим техник воситалари вазифасини бажара олади. Аудио-видео информация техник воситаси дисплей орқали тасвиirlарни намойиш қиласди. Статик ва динамик тасвиirlарни кўрсатиш орқали диапроектор, видеопроектор вазифаларини бажаради. Компьютер орқали мусиқа, овоз эшиттириш ҳам мумкин. Назорат техник воситалари сифатида ўқувчилар билимини тест саволлари орқали баҳолайди. Аралаштирилган таълим тизимини қўллаш орқали дастурлаштирилган ўқитиш техник воситалари вазифасини бажаради.

Компьютерларнинг бундай катта дидактик имкониятлари оддий таълим техник воситаларини қўллашни инкор қилмайди. Компьютерларни оддий техник воситалари билан алмаштириб бўлмайдиган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, физика, химия, электротехника фанларини ўрганишда кўп жараёнлар математик формулалар орқали ифодаланади. Математик моделлар орқали жараёнларнинг моҳиятини тадқиқот қилиш мумкин. Моделлаш жараён ва ҳодисаларнинг моделларини тажриба қилиш орқали ўрганиш воситаси сифатида намоён қиласди. Айнан математик моделлаш компьютерларни қўллашнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланади. У ўқувчиларнинг аввал идрок қилган жараён ва ҳодисаларини қўргазмали намойиш қиласди.

Баъзи тажрибаларни ўтказишида ундаги бўлаётган жараёнларни англаш, кўрсаткичларни ўлчаш имконияти бўлмайди. Бундай ҳолларда математик моделлаш орқали қисқа дақиқада кечадиган жараёнларни вақт бўйича чўзиши ёки жуда секин кечадиган жараёнларни тезлаштириб кўрсатиш мумкин.

Моделлаштириш орқали жараёнларни кўргазмали қилиш, уларнинг ҳаракати, динамикаси ўқувчиларда қизиқиши ҳосил қиласди ва материални чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради. Кўргазмалиликни ошириш мақсадида моделлашни ҳақиқий ўрганиётган объектга ўхшаган схемаларда намойиш қилиш яхши натижалар беради. Масалан, идеал газ ҳолатини ўрганишида шахсий компьютер экранидаги тажриба қурилмаси схемасини келтириш ва унда ҳажми ўзгарувчи цилиндр, термометр, манометрни кўрсатиш мумкин.

Оптик проекциялаш тизимини ўрганишида линзалар тизимини намойиш қиласдиган моделлаш дастуридан фойдаланилади. Ўқитувчи линзаларнинг шаклини, уларнинг ўзаро жойлаштирилишини ўзгаририб, экранда нур йўлининг ўзгариш ҳолатини қўрсатади.

Компьютер орқали бирорта қурилмайинг барпо қилинишини ифодаловчи динамик ва кинематик схемани ҳаракатда кўрсатиш статик плакатлар орқали кўрсатишга қараганда анча афзалликларга эга. Экранда ўқувчилар расм, схемалар орқали қурилманинг пайдо бўлишини ва ривожланишини, лойиҳалаш босқичларини қузатадилар. Ўқитувчи тушунтириш вақтида расмларни ўзгаририши, асосий қисмларини ажратиб кўрсатиши мумкин.

Динамик ва кинематик схемалар механика, электротехника фанларида механизм ва схемаларнинг ишлаш принципларини ўрганишида кенг имкониятлар яратади. Масалан, ичдан ёнар дви-

гателларнинг ишлаш принципини ўрганишда экранда двигател схемасини ҳар хил ишчи фазаларда кўрсатиш мумкин. Бир вақтнинг ўзида шу экранда ёниш камерасидаги босим, температура ва бошқа физик ўлчовлар қиймати ҳам кўрсатиб борилади. Шу двигателнинг карбюраторини ўрганишда карбюратор схемасида ҳар хил иш режимига оид клапанлар, тезланиш поршени ва бошқа деталлар ҳолатини кўрсатиш ҳамда ҳаво, ёқилги ва улар аралашмасини, ҳаракат йўлини намойиш қилиш ўқувчиларда карбюраторнинг ишлаш принципи ҳақидаги маълумотларни шакллантиришга ёрдам беради.

Компьютерлар машғулотни информация билан таъминлашнинг кучли воситаси ҳисобланади. Улар ўқувчиларга фанлар бўйича назарий маълумотлар, статик маълумотлар, маълумотнома материаллари тақдим этади.

Видеодискли қурилмали компьютерлар орқали алоҳида фрагмент, статик кадрларни ёзиб олиб, ўқитиш жараёнида намойиш қилинади.

Техникага оид фанларни ўқитишда, турли механизмларнинг ишлаш принципларини тушунтиришда, кўргазмалиликни оширишда динамик ва кинематик схемаларни қўллаш яхши натижалар беради.

Компьютерли аудиовизуал воситаларнинг истиқболлари, интернет

Компьютерларни таълим тизимида қўллаш истиқболлидир. Компьютер ўқитиш жараёни самарадор-лигини, сифатини оширишда мулоқотли — **интерфаол** тизимни амалга ошириш воситаси сифатида муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги мулоқот ўқитувчининг тузган ўқув дастури орқали компьютер ёрдамида амалга оширилади.

Охирги пайтда интернет тизими компьютерларнинг интерфаоллигини янги босқичга кўтарди. Энди

интернет тизими ичида шахсий компьютер орқали исталған давлат компьютери билан мулоқотда бўлиши ва ўзаро информация алмашиш мумкин.

Интернет АҚШда ҳукумат буюртмаларини бажа-рувчи ташкилотлар орасидаги алоқаларни енгиллаштириш мақсадида барпо қилинган тизим эди. Кейинчалик ўтган асрнинг 80- йилларида унга ўқув муассасалари, давлат корхоналари, савдо-сотиқ фирмалари, халқаро муассасалар қўшилди. 90- йилларга келиб эса унинг тармоқлари бутун жаҳонни қамраб олди.

Интернет тизимида компьютерлар ўзаро доимий алоқа каналлари орқали ва телефон каналлари орқали боғланади. Интернетта аъзо бўлиши учбу масала билан шуғулланувчи компаниялар — **провайдерлар** орқали амалга оширилади.


Интернет — дунёдаги турли компьютер тармоқлари орасидаги алоқаларни ўрнатиб турувчи техник воситалар, дастурли таъминот, стандартлар, шартномалар мажмуудир.

Интернет орқали дунёдаги йирик қутубхоналардаги, архивлардаги, институт ва университетдаги информация фондларидан ҳамда шахсий фойдаланувчиларнинг интернетга киритган ахборотларидан шахсий компьютер ёрдамида фойдаланиш мумкин.

Интернетда алоқа бевосита компьютерлар орқали эмас, балки маҳсус яратилган информацион мухит орқали амалга оширилади. Информацион мухит интернет тизимидағи компьютерлардан олинган ахборотлардан иборат.

8- жадвалда информацион мухит билан бўладиган алоқа схемаси келтирилган. Мулоқотда қатнашувчиларнинг ҳар иккаласи ҳам узатувчи, ҳам қабул қилувчи бўла олади. Ушбу моделда интерфаоллик боғланиш тизимининг фойдаланувчиларига гўё мулоқотда қатнашувчи шахс сифатида жавоб бера олиш қобилияти билан ифодаланади.

Информацион мухитт билан алоқа



Интернет — бу компьютер тармоқлари мажмуда. Ушбу тармоқ асосида ўзаро бир-бирига боғланган бир неча миллион катта-кичик компьютерлар (серверлар) ётади. Компьютер тармоқларининг ривожланиши информациия манбаларига, жумладан, ўқитиш тизимларига, автоматлаштирилган ўқитиш курсларига, билим базаларига, информацион қидирув ва информацион-маълумотнома тизимларига, электрон журналларига, автоматлаштирилган кутубхона тизимларига киришга кенг йўл очади.

Глобал тармоқтарга кириш ҳамда ундаги мавжуд манба ва технологиялардан таълим мақсадларида фойдаланиш имкони ўқитиш жараёнини информация билан таъминланганлик даражасини баҳолашда бош мезон бўлиб хизмат қиласди. Интернет технологияси тушиунчаси одамнинг „виртуал дунёдағи“ қўп қиррали фаолиятини ўз ичига олади.

Мультимедиа воситалари

Мультимедиа воситаларини ўқитиш жараёнида қўллаш ўқитиш сифатини ва самарадорлигини оширишининг энг қулай усулларидан бири ҳисобланади. Мультимедиа воситалари ёрдамида олиб бориладиган дарс ўқувчининг дарсга бўлган қизиқишини, билим олиш савиясини оширади.

Мультимедиа воситалари ўқувчига индивидуал ёндапши имконини беради. Ўқитувчининг бевосита иштирокисиз ҳам ўқувчи материални ўзлаштириши мумкин.

Мультимедиа — бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари ёрдамида ахборотнинг анъанавий ва оригинал турлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган ҳолдаги кўрининшидир.

Мультимедиа — „кўп муҳитли“ деган маънони билдиради. У ахборотнинг турли кўринишлари— матн, жадвал, график, нутқ, анимация (мультипликация), видеотасвир, мусиқа ахборотларини йиғиши, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш вазифаларини бажаради. Мультимедиа „инсон—компьютер“ интерфаол маълумотининг янги такомиллашган погонаси бўлиб, унда фойдаланувчи жуда кенг ва ҳар томонлама ахборот олади.

Таълим жараённида мультимедиа воситаларини қўллаш педагогик ва психологик нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга. Бунда бериладиган материаллар чуқурроқ ўзлаштирилади, вақт тежаш имкониятига эришилади, олинган илимлар киши хотирасида узоқ вақт сақланади.

Мультимедиани қўллаш учун қўйидаги техник воситалар керак бўлади: компьютер, лазер дискларини ўқийдиган CD—ROM қурилмаси, SB—овоз харитаси, AS—фаол колонка, CD—компакт диск.

Таълим тизимида компьютер технологияларидан фойдаланишининг қўйидаги усуллари мавжуд:

- Мультимедиа дарслиги;
- Билим ва кўнікмаларни мустаҳкамлаш бўйича топ шириқлар тўплами келтирилган методик тавсиялар;
- Ўрганилаётган мавзулар бўйича назарий билимлар талабалар томонидан қай даражада ўзлаштирилаётганлигини текширишга мўлжалланган тест дастурлари;
- Электрон виртуал кутубхона;
- Ҳар бир талаба учун амалий топшириқларни тайёрлаш ва босиб чиқариш дастури;

- Масофадан ўқитиш тизими;
- Интернет тармогига уланган мультимедиа компьютерлари;
- Принтер;
- Компьютерга уланган проектор.

Мультимедиа ўқув материалларини ишлаб чиқишда республикамизда маълум ишлар қилинмоқда. Бунга етакчи мутахассислар жалб қилинган ва ўқув материаллари таълим йўналишлари бўйича яратилмоқда.

Хозирги кунда Республика ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш Маркази „Ўзбекўқувавтоматика“ видео-компьютерли мультимедиа комплексини ишлаб чиқармоқда. Pentium асосида ташкил қилинган ушбу комплекс лицей, коллеж ва бошқа ўқув муассасаларининг умумтаълим, маҳсус фанлар ҳамда информация кабинетларини жиҳозлашга мўлжалланган.

Видео-компьютерли мультимедиа комплекси ёрдамида бажариладиган ишлар қўйидагича:

- Видеомагнитофондан овозли видеотасвиirlарни файлга ёзиш;
- Овозли видеотасвиirlарни компьютердан видеомагни тофонга ёзиш;
- Видеофайлдаги ёзувларни намойиш қилиш;
- Видеофайлдаги ёзувларни олисдаги мониторларда (телевизорларда) намойиш қилиш;
- Кўшимча видеотасвир ҳосил қилувчи қурилма (сканер) бор бўлса, график тасвиirlарни файлга ёзиш;
- Информацияни қайта ишлаш (рангларни созлаш, видео-аудио монтаж ишларини бажариш, овоз ва мусиқани созлаш ва бошқалар).

Видео-компьютерли мультимедиа комплексига қўйидаги қўшимча қурилмаларни қўллаш мумкин: сканер, интернет ёки бошқа глобал тармоқ билан бодганини учун модем, ҳар хил турдаги принтерлар, график қургич (плоттер), катта ҳажмдаги информацияларни сақлаш қурилмаси (стрим-мерлар) ва бошқа компьютерларга қўйиладиган қурилмалар.

Аудиторияга мүлжалланган мультимедиа комплексининг негизи:

- Мультимедиали шахсий компьютер (Pentium II);
- Видеопроектор CXT Ex Pro 550, экран 150x150;
- Программа таъминоти (Microsoft Windows 98, Microsoft office 97, Cornet Draw 9 – version).

Видео-компьютерли мультимедиа комплексининг програмали таъминоти рўйхати 29 номдан иборат. Шулар ичida физика, математика, химия, биология, информатика, йўл ҳаракати қоидалари, автомобиллар энциклопедиясидан компьютерли ўқув курслари; тест топшириқларини яратиш воситалари ва бошқалар мавжуд.

Сканер — матн, графика, тасвирларни компьютерга киритишни автоматлаштириш учун хизмат қиласи. Унинг асосий тасвиғи маълумотларни аниқ, тиник, қеракли ранг кўринишида чиқариш қобилиятидир. Ушбу тасвирларни қобилияти горизонтал ва вертикал чизиқлардаги нуқталар (пикселлар) сони орқали белгиланади.

Одатда, бу тасвиф (характеристика) 300x600, 600x1200 кўринишида бўлади. Бу горизонтал чизиқлар бўйича пикселлар сони 300 (600), вертикал бўйича пикселлар сони 600 (1200) та эканлигини билдиради. Нуқталар сони қанча кўп бўлса, маълумотлар шунча аниқроқ бўлади.

Модем — модуляция, демодуляция сўзларидан олинган бўлиб, узлуксиз сигналларни рақам (модуляция) ва рақамли маълумотларни узлуксиз (демодуляция) сигналга алмаштириб берадиган қурилмадир. Унинг асосий вазифаси — компьютерлараро алоқани ўрнатиш. У ўзининг коммуникацион дастурига эга бўлиб, бу дастурлар ёрдамида маълумотларни узоқ масофаларга узатиши ва қабул қилиши мумкин.

Компьютер телефон тармоги орқали ахборот алмасиши мақсадида ишлатилаётгандан телефон тармогидан олинган сигнални қабул қила оловчи ва

уни рақамли ахборотта айлантирувчи қурилма лозим бўлади. Қурилманинг киришида ахборот модуляция қилинади, чиқишида эса, аксинча, рақамли сигналлар демодуляцияга учраб узлуксиз сигналга айлантирилади. Шундан модем номи келиб чиқади. Модемнинг асосий вазифаси компьютердан келган сигнални телефон тармоғи иш частотаси диапозонига мос частотадаги электр сигналига айлантиришдан иборат.

Принтер — компьютерда олинган натижаларни, дастур ва берилганларни босмага чиқариш учун ишлатилади. Принтер ёрдамида матнларни, графикларни, расмларни рангли ва оқ-қора кўринишда босмага чиқариш мумкин. Принтерлар, асосан, уч хил бўлади: матрицали, оқимли ва лазерли.

Матрицали принтерлар маълумотларни нуқталар ёрдамида босмага чиқаради. Бундай принтерлар секин ишлайди, чоп қилиш сифати ва тезлиги ҳам катта эмас.

Оқимли принтерлар махсус сиёҳларни пуркаш йўли билан ишлайди. Бу принтерларнинг турли рангларда чоп қилиш сифати тиниқ ва равшан бўлади. Уларнинг камчилиги сиёҳнинг тез тамом бўлиб қолиши ва унинг нозиклигидир. Оқимли принтерлар матнларни нисбатан тез, график тасвирларни эса секинроқ чоп этади.

Лазерли принтерлар ҳам сифати, ҳам тезлиги жиҳатидан энг яхши принтер ҳисобланади. Лазерли принтерларда чоп этиш жуда қулай, у 1 дақиқада 10–15, ҳатто 40 вараққача чоп этиши мумкин. Камчилиги — унда ишлатиладиган тонер ва катрижнинг тез-тез алмаштириб турилишидир.

Катта ҳажмли чизма, расмларни компьютердан босмага чиқаришда плоттерлардан фойдаланилади. Плоттерлар (график қургичлар) — катта ҳажмли тасвирларни, харита, бадиий расмлар, биноларнинг чизмаларини, график информацияларни чиқаришга мўлжалланган. Плоттерлар дизайнерлар, инженер-

лар, лойиҳачилар, рассомлар учун жуда керакли бўлиб, ундан юқори сифатли рангли ҳужжатларни ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Таълим муасасаларида хоҳлаган кўргазмали материалларни тайёрлашда қўлланилиши мумкин.

Плоттерларнинг асосий тавсифи қўйидагилардан иборат:

- миллиметр ва сонияда ўлчанадиган тасвирини чизиши тезлиги;
- бир дақиқа чоп қилинган, варақлар сони билан аниқланадиган чиқариш тезлиги;
- тасвиirlар аниқлиги.

Конструктив тузилиши бўйича плоттерлар планшетли ва барабанли бўлади. Планшетли плоттерларда қоғоз қўзгалмас, чизувчи каллак эса икки йўналиш бўйича ҳаракатланади. Барабанли плоттерда бир координата бўйича чизувчи каллак, иккинчи координата ўқи бўйича қоғоз ҳаракатланади.

Савол ва топшириқлар

1. Компьютерлар ўкув жараёнида қандай техник восита-ларнинг вазифасини бажаради?
2. Таълим беришда компьютерларнинг мураккаб модел-лаштириш имкониятларини айтинг.
3. Ўкув жараёнида интернетдан фойдаланиши имкониятларини тушуниринг.
4. Мультимедиа нима?
5. Мультимедиа қандай асосий техник воситалардан таш-кил топган?
6. Таълим тизимида компьютер технологияларидан фойдаланиши усулларини изоҳланг.
7. Видео-компьютерли мультимедиа комплекси ёрдамида қандай ишлар бажарилади?
8. Сканер, модем, принтер вазифаларини шарҳланг.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Жамиятнинг чуқур билимга эга бўлган ва мукаммал муаммоларни еча оладиган мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ўқитиш жараёнини жадаллаштирадиган янги воситаларни ва услубларни қўллашга, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув-недагогик фаолиятини фаоллаштиришга олиб келадиган педагогик технологияларни жорий қилишга туртки берди. Автоматлаштирилган ўқитиш тизими ушбу эҳтиёжларни қондириш борасидаги изланишларнинг биридир.

Автоматлаштирилган таълим тизими икки асосий манба — дастурлаштирилган ўқитиш ва электрон ҳисоблаш машиналарини таълим жараёнида қўллаш негизи асосида ривожланди. Дастурлаштирилган ўқитиш чизиқли ва тармоқланган дастур асосида ўқитиш жараёнини бошқариш, уни индивидуал ўқитиш кўрсаткичларига яқинлаштиришдан иборатдир. Ўқитишнинг индивидуал даражасини ошириш дастурдаги тармоқлар сонини ошириш орқали амалга оширилади. Тармоқларнинг кўпайиши дастур ҳажмининг ҳаддаи ташқари ошишига олиб келади ва ўқитиш жараёнини назорат қилиш самарадорлигини қийинлаштиради.

Компьютерлар хотираси ҳажмининг катталиги сабабли автоматлаштирилган ўқитиш тизимида хоҳлаганча тармоқлар сонини ошириш мумкин. Натижада автоматлаштирилган ўқитиш тизимининг имкониятлари ўқитувчининг имкониятларига яқинлашади.

Автоматлаштирилган ўқитиш тизимида компьютер қуидаги вазифаларни бажаради: ўқиши фолиятини бошқариш; ўқув информациясини сақлаш ва узатиш; лаборатория тажрибаларини моделлаш; ўқувчиларнинг жавобларини таҳлил қилиш; ўқувчиларнинг ўқув фолиятини рўйхатга олиш, сақлаш, қайта ишлаш.

Автоматлаштирилган ўқитиш тизими ўқув жараёнини бошқаришда ўқувчи ва компьютер ўртасида ўзаро информация алмашишни, яъни мулоқотни талаб қиласди. Мулоқотли ўқитиш автоматлаштирилган ўқитиш тизимининг муҳим фазилатидир.

Автоматлаштирилган ўқитиш тизимида билим олишни икки хил усулда ташкил қилиш мумкин. Биринчиси, гурӯҳда машгулот ўтказишга мўлжалланган **жамоали фойдаланиш тизими**. Бунда ўқитиш жараёни умумий ўқитиш дастури ва битта компьютер орқали амалга оширилса ҳам, ҳар бир ўқувчи индивидуал ишлайди. Иккинчиси, умумий тармоққа уланмаган шахсий компьютер орқали **индивидуал таълим олиш**. Бунда ўқитиш дастури ҳар бир компьютерга ташқи йигувчи (накопитель) орқали киритилади ва компьютерлар бир-биридан истисно ишлайди.

Автоматлаштирилган ўқитиш тизимлари ичida Москва Давлат университетининг „Наставник“ тизими ишлатишга қулай ва содда ҳисобланади. Тизим тармоқланган дастур асосида тузилган. Ўқув курси алоҳида бўлакчаларга — секцияларга бўлиниди. Секциялар уч қисмдан ташкил топган. Биринчи қисм назарий тушунча (информация кадри)дан иборат. Назарий маълумотларни идрок қилишини осонлаштириш мақсадида улар абзацларга бўлинган ($A_1, A_2 \dots$ ва x . к.). Секциянинг иккинчи қисми машқлардан ($Y_1, Y_2 \dots$ ва x . к.) иборат.

Машқлар савол ва унинг бир қанча жавобларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг максимал сони — 15 та. Ҳар бир секциянинг машқлари икки гуруҳга бўлинади: асосий ва якуний машқлар. Якуний машқларни ишлаган ўқувчи кейинги секцияга ўтказилиши мумкин. Асосий машқни ечган ўқувчи қўшимча машқ олиб, секцияда қолади. Машқларнинг тартиб рақамларини ЭҲМ тасодиф рақамлар датчиги орқали белгилайди.


Саволга тўғри жавоб берган ўқувчи дарҳол унинг тасдигини олади. Агар жавоб нотўғри бўлса, ЭҲМ ўқувчини секциянинг учинчи қисми — маълумотномага юборади. Маълумотноманинг тартиб рақами жавобдаги қўйилган хатога қараб белгиланади. Маълумотномаларнинг сони 26 тадан ошмайди. Маълумотномада йўл қўйилган хатонинг таҳлили ва секциянинг назарий қисмидаги қайси абзацни қайта ўқиб чиқиш кераклиги тўгрисида кўрсатма бўлади.

Компьютер ўқиши давомида ҳар бир ўқувчининг иш фаолияти тўгрисидаги маълумотларни тўплаб боради. Бу ўқувчиларнинг ўқиши фаолиятини баҳолашга ва ўқитувчи томонидан ўқув материалларини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

„Наставник“ автоматлаштирилган таълим тизимида бир секция материалини ўзлаштириш алгоритмининг блок-схемаси қўйидаги жадвалда келтирилган (9- жадвал).

Материални ўзлаштириш алгоритмининг блок-схемаси

Секцияга кириш



Секция материали ўқувчи томонидан ўзлаштирилганлиги P/S нисбати билан аниқланади. P — түгри жавоблар сони, S — тақдим этилган саволларнинг умумий сони.

Саволга берилган ҳар бир жавобдан сүнг машина P/S нисбатини ўқитувчи томонидан белгиланган коэффициент K_1 , K_0 ва Т қийматлари билан солиштиради. Агар $P/S > K_1$ ва $T=1$ бўлса, ўқувчи кейинги секцияга ўтишга рухсат олади. Агар $P/S < K_1$ ва $P/S > K_0$ бўлса, қўшимча масала берилади. Агарда қўшимча масалалар тугаб қолса ёки $P/S < K_0$ бўлса, ўқувчига аввалги секция материалларини қайтадан ўзлаштириш таклиф қилинади. Агарда бир машгулот давомида аввалги секцияга ўтиш таклифлари сони олдиндан белгиланган Δ коэффициентидан ошиб кетса, машина ўқувчига хизмат қилишдан бош тортади ва уни ўқитувчига юборади.

K_1 , K_0 ва Δ коэффициентларини ўқувчиларнинг савиясига қараб ҳар хил қийматларда белгилаш мумкин. Кўпинча, уларга қуйидаги қийматлар берилади: $K_1 = 0,7$, $K_0=0,2$, $\Delta=3$.

Савол ва топшириқлар

1. Автоматлаштирилган таълим тизимининг асосий манбаларини изоҳланг.
2. Автоматлаштирилган ўқитиш тизимида компьютернинг вазифаси нималардан иборат?
3. Автоматлаштирилган таълим тизими — „Наставник“нинг таркибий қисмларини айтиб беринг.
4. Автоматлаштирилган таълим тизими — „Наставник“нинг бир секция материалини ўзлаштириш алгоритмининг блок-схемасини тушунтириб беринг.

КҮНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАШК МАШИНАЛАРИ – ТРЕНАЖЁРЛАР

Хозирги замон мураккаб техникасини бошқа-риш ишчилардан юқори малакани талаб қиласади. Улар иш жараёнида бир қанча күрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда фаолият күрсатишлари керак. Фавқулодда рўй берадиган мураккаб ҳолларда идрок ва маҳоратлари орқали тўғри ечим топишлари зарур. Ишчиларда мана шундай фазилатларни ривожлантиришда тренажерларнинг роли катта.

Тренажёрларга ҳақиқий иш фаолияти шароитларини қиёс қилувчи, ўқувчиларга акс бөгланиш канали асосида профессионал уддалаш ва күникмаларни шакллантирувчи қурилмалар киради.

Тренажёрлар транспорт машиналарини, трактор, экскаватор, кран ҳайдовчиларини, автоматик қурилмалар созловчиларини, слесар, токар, электромонтажчи, радиомонтажчиларни тайёрлашда кенг қўлланади. Тренажерлар кенг тарқалган ўқитиш ва назорат техник воситалари ҳисобланади.

Тренажёрлар турлича бўлиб, бажарадиган вазифаларига қараб уларни қўйидагиларга бўлиш мумкин:

1. *Айрим операцияларни бажариши кўникмаларни шакллантирувчи тренажёрлар.* Булар жумласига металларни этовлаш, металларни қирқиши, болға уриш, электркавицарлаш операциялари киради.

2. *Иш операциясини берилган тартибда ва маълум мақомда бажариши ўргатувчи тренажерлар.* Буларга станокларда, аппаратларда ва бошқа техник қурилмаларда ишлаш киради.

3. Ўзгарувчи шароитни баҳолаш ва шунга мос келадиган қарор қабул қилишини ўргатувчи тренажерлар. Буларга мураккаб ишлаб чиқариш жараёнини, автомашина, трактор, локомотив, самолёт каби транспорт воситаларини бошқаришни ўргатувчи тренажёрлар киради.

4. Техник қурилмаларнинг нормал ишилашини, бузилиши сабабларини аниқлашни шаклантирувчи тренажёрлар. Буларга радиоаппаратларни таъмирлаш ва созлашга ўргатувчи тренажерлар киради.

Тренажёрларда ҳар хил объект ва жараёнларни намойиш қилиш учун уларнинг физик ёки математик моделларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, атроф-мухит, кўпинча, диапроекция, телевизион тасвир ҳамда компьютерлар орқали моделлаштирилади.


Тренажёрлар боғланиш каналларининг турига қараб ички, ташқи ва аралашма акс боғланиш каналли бўлади.

Ички акс боғланиш каналли тренажёрлар алгоритмик кўрсатмалар (инструкциялар) асосида ўқитишни бошқарувчи ва ўқувчиларни ўз хатосини ўзи тўғирлашига мўлжалланган қурилмалардир. Уларни қўллашда ўқувчилар қилган хатоларини ўша заҳоти биладилар ва устознинг кўрсатмаларини кутмай, ўз хатоларини тўғирлайдилар.

Агар ўқувчи хатога йўл қўйган бўлса, ички тескари боғланиш канали уни нур, овоз орқали огохлантиради. Бундай тренажёрлар металларга ишлов бериш, транспорт воситаларини ҳайдаш ва опператорлик ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлашда ишлатилади.

Ички тескари боғланиш канали тренажерларининг асосий элементлари меҳнат қуроли ёки унинг модели, солиштириш қурилмаси, тескари боғланиш каналини намойиш қилувчи информацион қурилмалардан иборат бўлади (10- жадвал).

Ички акс боғланипши тренажёр схемаси



Солиштириш схемаси — ўқувчилар фаолиятини (ҳаракатини) эталон билан солиштириб, информация курилмасига тегисли шартли белти берувчи тренажер блоки.

Информация қурилмаси акс боғланиш канали бўлиб, үнинг асосида ўқувчилар ўз хатоларини биладилар ва келгуси ҳаракатларида хатога йўл қўймасликка интиладилар. Акс боғланиш тренажёрларда нур, овоз, магнит ёзуви, экрандаги ёзув орқали амалга оширилади.

Бошқариш қурилмаси тренажёр таркибидаги функционал блокларнинг ишини бошқаради. Үнинг ёрдамида уста иш тартибини ўргатади, солиштириш қурилмаси учун дастур танлайди, маълум дастур орқали тренажёрни ишланг алгоритмини танлайди.

Ташқи хотира қурилмаси ўқувчи фаолияти натижаларини хотираға ёзиб олиб, узоқ муддат сақлаб туради. Ушбу маълумотлар уста томонидан таҳлил қилиниб, ўқувчиининг кейинги фаолиятида камчиликларни түғирлашда ундан фойдаланилади. Ушбу қурилмани тайёрлашда электр счетчиклардан, ўзи ёзадиган асбоблардан, видеомагнитофонлардан фойдаланилади. Ҳамма тренажёрларда ташқи хотира қурилмаси бўлиши шарт эмас.

Ташқи акс боғланиш каналли тренажерларда информация қурилмаси бўлмайди. Унда ўқувчиларнинг топшириқларни бажаришдаги йўл қўйган хатоларини ҳисобга оловчи ташқи хотира қурилмасининг бўлиши шарт. Ташқи акс боғланиш каналли тренажёрларнинг схемаси аввалги кўрилган схемадан (10- жадвал) информация блокининг йўқлиги билан фарқ қиласди. Буларга автотранспорт, тепловоз ҳайдовчиларини тайёрлаш тренажёрлари киради.

Савол ва топшириқлар

1. Тренажёрларнинг вазифаси нималардан иборат?
2. Тренажёрлар бажарадиган вазифасига қараб қандай турларга бўлинади?
3. Ички акс боғланишли тренажёр схемасини шарҳлаб беринг.
4. Ички тескари боғланиш каналли тренажёрларнинг асосий элементлари нималардан иборат?

ЁРДАМЧИ ҚУРИЛМАЛАР, КАБИНЕТЛАРНИ САНИТАРИЯ ВА ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИГА КЎРА ЖИҲОЗЛАШ

Ёрдамчи қурилмалар таълимнинг техник воситаларини қўллашда қулай шароит тугдириб бериш учун хизмат қиласди. Ёрдамчи қурилмалар экран, синф доскаси, мебеллар, техник воситаларни олисдан бошқариш пультларидан иборат.

Мебеллар билан кабинетлардаги, устахоналардаги ўқитувчи, ўқув ишлаб чиқариш устаси ва ўқувчиларнинг иш жойлари педагогик меҳнатни илмий уюштириш талабларига мувофиқ жиҳозланади. Ўқув мебелларига столлар, шкафлар, стеллажлар, тумбочкилар киради. Ўқув кабинетлари стационар қурилмалар билан жиҳозланган бўлиб, маълум фан бўйича ўқитувчи ва ўқувчининг ўқув-тарбия фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган.

Кабинетларнинг жиҳозланиши ўқитувчи учун ўқувчилар фаолиятини кузатиш ва бошқариш, кўп вақт сарфламай юқори самарадорликда ўқув қуроллари ва таълимнинг техник воситаларидан фойдаланишга қулай шароит тутгидиши керак. Синф доскаси, экран, кўргазмали қуролларнинг жойлаштирилиши ундаги ёзув, чизма, тасвирларнинг равон, қулай ва яққол кўринишини таъминлаши зарур.

Ўқув кабинетларини жиҳозлашда санитария меъёрларини қўллаш ва унга риоя қилиш таълимнинг техник воситаларини қўллаб машгулот ўтказиша ўқувчиларнинг иш қобилияtlарини оптимал дараҷада сақлашда катта аҳамиятта эга.

Ўқувчиларнинг диафильм, видеофильм, телетасвирлар намойиш қилинаётганда кўзларини зўриқ-


тирмаслик учун томошабиндан экрангача бўлган масофани тўғри танлаш, тасвирнинг сифати ва хона-нинг ёритилишига аҳамият бериш керак. Кўзнинг алоҳида хусусиятларига кўра томобашин экрандаги тасвир деталларини етарли даражадаги катталиқда бўлганда ва етарли даражада ёритилгандагина яхши кўра олади. Шунинг учун экрандаги тасвир ўлчовини тўғри аниқлаш мақсадида тасвир деталининг (масалан, ҳарфийнг) миллиметрда ўлчанган баландлигини аудиториянинг метрда ўлчанган узунлигига teng қилиб олиб, унга кўпайтириш керак, ёки

$$H = 0,003D,$$

бунда: H — тасвир деталининг (ҳарфийнг) энг кичик ўлча ми, мм;

D — охирги партада ўтирган ўқувчидан экрангача бўлган масофа, метрда.

Санитария ва гигиена талабларига кўра кабинетга ўрнатиладиган экран полдан 1,8—2 м баландликда, биринчи қаторда ўтирган ўқувчиidan бир ярим экран кенглигига teng масофада жойлаштирилади. Проек-



18- расм.

цион аппаратлардан тушадиган нур экран юзасига нисбатан перпендикуляр бўлиши керак. Экраннинг кенглиги хона узунлигининг $1/5 - 1/6$ қисмига teng қилиб танланади (18- расм).

Проекцион аппарат ва экранни ўрнатиш жойи хонанинг узунлигига ва объективнинг фокус масофасига қараб аниқланади. Фокус масофаси F , хона узунлиги L , кадр ўлчови h ва экрандаги тасвир H қуидаги ўзаро боғланишга эга:

$$\frac{F}{L} = \frac{h}{H}; \quad F = \frac{Lh}{H}; \quad H = \frac{Lh}{F}$$

Экран баландлигининг H_θ экран кенглигига π_θ нисбати 3:4 бўлиши керак, яъни:

$$H_\theta = 0,75 \pi_\theta$$

Экрандаги тасвирнинг ёрқинлиги проекцион аппаратнинг нур оқимига ва экраннинг сифатига боғлиқ.

Овоз техникаси ўқиши жараёнида қўлланганда ўқувчиларни чарчатиб қўймаслик учун санитария-гиена қоидалари ва маромларига риоя қилинади. Овоз эшиттириш 25—30 дақиқадан ошиб кетмаслиги, овоз баландлиги 40—50 децибел (огрикни ҳис қилиш чегараси 130dB, қаттиқ гапириш 70dB, пичирлаш 20dB) атрофида бўлиши керак. Овоз аппаратининг қуввати қуидаги формула орқали аниқланади:

$$P = \frac{0,85 \cdot 10^{-4} \cdot V}{0,03}$$

P — қувват, ВТ;

V — хонанинг ҳажми, m^3

Таълим жараёнида ўқув материалларини намо-иши қилиш учун ёрдамчи таълим воситалари си-фатида турли доска ва анжомлардан фойдаланилади.

Булар бүр, доска, оқ доска, магнит доска, пинборд доскаси ҳамда флипчарталардир.

Бүр доска энг қадимги, арзон ва бошқа доскаларга нисбатан күпроқ ишлатиладиган восита. У ҳар бир ўқув хонасида мавжуд. Доскадан маълумотларни тақдим қилиш, ёзувлар ёзиш, расм ва графикларни кўрсатиш, математик амалларини бажариш ҳамда диққатни талаб қилиш мақсадида фойдаланилади.

Доскадан фойдаланиш камчиликлари — доскага ёзилган маълумотларни сақлаш, қайта қўллаш мумкин эмас. Янги материални тушунтириш учун доскага ёзилганларни ўчиришга тўғри келади.

Доскага диққат билан ёзиш ўқитувчидан доскага қарашини талаб қиласди, бунинг учун у ўқувчиларга орқаси билан ўтирилишга мажбур бўлади. Доскага ёзиш кўп вақтни талаб қиласди.

Оқ доска маҳсус материалдан тайёрланган бўлиб, унга маълумотлар маркер билан ёзилади.

Магнит доскалари, одатда, ўртача қалинликда металл қопламалардан тайёрланади. Кўргазмали материаллар пластмасса ёки паҳтадан тайёрланади, уларнинг орқа қисмига магнитлаштирилган дисклар қотирилади.

Пинборд доскасидан ўқув мунозаралари, ақлий хужум, муҳокама натижаларини хужжатлашириша фойдаланилади.

„Пинборд“ инглизча сўз бўлиб, (pin — маҳкамлаш, board — доска), доскага маҳкамлаш деган маънони англатади. Қоида бўйича пинборд доскаси устига ўраш қозози тортилади. Унга кўшимча материал сифатида турли ранг ва шаклдаги карточкалар иғналар билан маҳкамланади. Ишни тутаттандан сўнг карточкаларни ўраш қозозига ёпиштириш ва уларни навбатдаги тадбирлар учун қўллаш мумкин. Карточкалар ранг-баранг фломастер билан ёзилади.

Бу воситанинг афзаллиги карточкалар (схемалар, тузилмалар, шарҳлар ва ҳ. к.) жойлашувини хоҳлаган вақтда ўзгартириш имконияти мавжуд, қисқа вақт ичида тинглювчиларнинг фикр-мулоҳазаларини билиб олиш мумкин.

Флипчарт ёки „доска-блокнот“ — бу варақлана-диган қозғали доска бўлиб, унга маркер билан ёзилади. Флипчарт доскага жуда ўхшашлигига қарамасдан, кўпгина фарқлари ҳам бор. Унинг асосий қулайлиги матнни ўчиримасдан қозғоларни варақлаб ёзиб кетавериш имкониятининг мавжудлиги, яъни жой етишмаслигидан ёзилган ёзувларни ўчиришга ҳожат қолмайди. Барча фикр-мулоҳазаларни сақлаш, ҳатто бир неча ҳафталик танаффусдан сўнг бу қозғони яна осиб қўйиш ва мунозаларни давом эттириш мумкин.

Флипчартдан қуидаги мақсадларда фойдаланилади:

- Гуруҳ баҳс-мунозараларини, натижаларини сақлаш, уларни келажакдаги тадбирларда ишлатиш.
- Жараённинг босқичларини ва унинг асосий қисмларини ажратиб кўрсатиш.

Флипчартлар қўллашнинг афзаллиги — доскани хоҳлаган жойга силжитиш мумкин, фойдаланиш қулай. Камчилиги — ёзувларни хатосиз, тушунарли қилиб ёзиш керак, акс ҳолда ҳамма тўғирланган жойлар кўриниб туради. Варақларни нусхалаштириш мумкин эмас, фақат кўчириб ёзиш ёки фотосуратга олиш мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. Ёрдамчи қурилмаларнинг вазифаси нималардан иборат?
2. Ёрдамчи қурилмаларга нималар киради?
3. Ўқув кабинетлари қандай жиҳозланади?
4. Санитария ва гигиена талабларига кўра кабинетларда кўзни зўриқтирилмаслик, овоз эшиттиришни маромида олиб бориш учун қандай тадбирларга риоя қилинади?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: „Шарқ“, 1997.
2. **Талызина Н. Ф.** Управление процессом усвоения знаний. М.: 1975.
3. **Мунавваров А. К.** Педагогика. Т. 1996.
4. **Еляков А.** Современное информационное общество. //„Высшее образование в России“ 2001, №4.
5. **Вадюшин В. А., Пальчевский Б. В.** и др. Технические средства обучения (пособие к лабораторным работам). Минск: „Высшая школа“, 1987.
6. **Коджасипрова Г. М., Петров К. В.** Технические средства обучения и методика их использования. М.: „Академия“, 2002.
7. **Дўстов М. Х., Маханов К. С.** „Гуманитар фанларни ўқитишида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш“. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига багишланган Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. ТИҚҲМИИ, Т., 2001
8. **Сметанин Д. А., Квасневский К. А.** и др. Технические средства обучения и методика их использования. М.: Колос, 1984.
9. **Мусаев Р. С.** „Ўқитишининг техник воситалари“ фанидан маъruzалар матни. Т. ТИҚҲМИИ, 1999.
10. **Мусаев Р. С.** Методические указания к выполнению лабораторно-практических работ по использованию технических средств контроля и ЭВМ в учебном процессе. ТИИИМСХ, 1990.
11. **Малышев К. М.** Программированный контроль знаний в техническом вузе. Т.: „Ўқитувчи“, 1982.
12. **Александров Г. Н.** Программированное обучение. Новые информационные технологии обучения // ИНФО. — 1993. — № 5.

13. **Мараҳимов А. Р., Раҳмонқулова С. И.** Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. Т.: 2001.
14. **Раҳмонқуловая С. И., Розиев Ф. З.** Виртуал кутубхона. Т.:2000.
15. **Орипов М., Ҳайдаров А.** Информатика асослари. Т.: „Ўқитувчи”, 2002.
16. **Ҳайитов А.** Дарс жараёнини компьютерлаштириш хусусида. // Узлуксиз таълим, 2004 й, №3
17. **Кривицкий Б. Х.** Технические средства контроля и управления обучением. М.: Издательство МГУ, 1986.
18. **Качетов С. И., Романин В. А.** Технические средства обучения в профSSIONальной школе. М.: „Высшая школа“, 1988.
19. Видеокўз „Flex vision“ инструкцияси.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
ТАЪЛИМНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ	
ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	6
ЎҚИТИШ ҚУРОЛЛАРИНИНГ	
СИНФЛАНИШИ.....	9
Таълим воситалари.....	9
Таълимнинг информацион техник воситалари.....	10
ИНФОРМАЦИОН АУДИОВИЗУАЛ ТИЗИМЛАР..... 13	
Статик проекция асослари.....	13
Статик проекция элементларининг вазифалари.....	15
Статик проекциянинг таълим воситалари.....	18
Диапозитивлар сериясини яратиш технологияси.....	20
Статик проекциянинг техник воситалари.....	22
Диапроекторлар.....	22
Графопроекторлар.....	27
Товушли информация воситалари.....	31
ДИНАМИК ПРОЕКЦИЯ АСОСЛАРИ..... 33	
ЎҚИТИШНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ	
ВОСИТАЛАРИ.....	37
Дастурлаштирилган ўқитиш.....	37
Дастурлаштирилган назорат воситалари.....	43
ИНТЕРФАОЛ АУДИО ВИЗУАЛ ВОСИТАЛАР..... 46	
Шахсий компьютер универсал аудиовизуал восита.....	46
Компьютерли аудио визуал воситаларнинг истиқболлари интернет.....	48
Мультимедиа воситалари.....	50
АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ..... 55	
КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ МАШҚ	
МАшиналари — ТРЕНажерлар.....	59
ЁРДАМЧИ ҚУРИЛМАЛАР, КАБИНЕТЛАРНИ САНИТАРИЯ ВА ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИГА КЎРА ЖИҲОЗЛАШ..... 63	
Фойдаланилган адабиётлар.....	68

З. К. ИСМАИЛОВА, Р. С. МУСАЕВ

ТАЪЛИМНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ

Ўқув қўлланма

Муҳаррир: *C. Xўжааҳмедов*

Бадиий муҳаррир: *Ш. Ходжаев*

Компьютерда саҳифаловчи: *A. Рazzаков*

Мусахих: *M. Mirsolikhov*

Босишга руҳсат берилди 16.09.2008. Бичими $84 \times 108^1 /_{16}$.
Кегили 11 шпонли. Шартли бет. 80. Босма табоги 5,0
100 нусхада босилди. Буюртма № 168 ТИМИ босмахонасида
чоп этилди. Тошкент 700 000, Қори-Ниёзий кўчаси 39 уй.

